Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 14 октябрь, № 214-215 (9385-9386) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ИССИҚХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни иссиқхоналар фаолиятига «яшил» технологияларни жорий қилиш ва уларнинг экологик хавфсиз фаолият юритишини таъминлаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Аввало, Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги иссиқхоналар ҳолати таҳлил қилинди. Ўтган йили махсус комиссия томонидан иссиқхоналар хатловдан ўтказилиб, муайян қисмига экологик тоза энергия манбаларига ўтишига кўмаклашилди. Шу билан бирга айрим хўжаликларда ҳали ҳам кўмирдан фойдаланилмоқда.

Куз-қиш ойларида шамол сустлашиши ва ҳарорат инверсияси туфайли иссиқхоналардан чиқадиган ташламалар пойтахт ва унинг атрофида тўпланиши мумкин.

Шу боис Тошкент шаҳри ва унга туташ бешта туманда иссиқхоналар учун “яшил” технологияларга асосланган махсус экологик тартиб жорий этиш таклиф қилинди. Иситишда табиий газ, электр, геотермал ва қуёш энергияси, шунингдек, иссиқлик электр станцияларининг иккиламчи иссиқлигидан фойдаланишга рухсат берилади. Шина, пластмасса, битум, мазут, ишлатилган мой ва чиқиндиларни ёқишга йўл қўйилмайди.

Қаттиқ ёқилғида ишлаётган иссиқхоналарга жорий йил 1 декабрга қадар ушбу манбаларга ўтиш таклиф қилинади. Ёқилғини ёпиқ жойда сақлаш, автоматлаштирилган қозонлар ва самарали чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган бўлиши, кул ва шлакни хавфсиз йиғиш учун шароит, захира генератори мавжудлиги, тутун мўриси минимал баландлик меъёрига мувофиқлиги каби қатъий техник талабларга мос бўлган иссиқхоналаргагина қаттиқ ёқилғидан фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

Жорий йил 15 октябрдан келгуси йил 15 мартга қадар иссиқхоналарда доимий экологик мониторинг олиб борилади. Унда чанг-газ тозалаш ускуналарининг ишлаши, ҳавога чиқарилаётган ташламалар миқдори ва ёқилғи турларига қўйилган талабларга риоя этилиши назорат қилинади. Ўлчов ускуналари ва видеокузатув воситаларидан олинадиган маълумотлар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ахборот тизимига реал вақт режимида узатилади. Мониторингда дронлардан фойдаланилади, жамоатчилик назорати вакиллари ҳам иштирок этади.

Чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилмагани, ташламалар меъёрдан ошгани ёки тақиқланган ёқилғи ишлатилгани аниқланса, белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилади. Зарур ҳолларда иссиқхона фаолияти тўхтатилади.

Иссиқхона хўжаликларининг янги талабларга мослашиши учун молиявий кўмак чоралари ишлаб чиқилган. Экологик ва энерготежамкор ускуналарни ўрнатишга ҳар гектар учун 50 миллион сўмгача субсидия, етти йил муддатга 3 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратиш таклиф этилди. Мониторинг ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларини енгиллаштириш ҳам назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

ЯЙЛОВЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев яйловлар деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда 21 миллион 255 минг гектар яйлов мавжуд, бироқ уларнинг атиги 40 фоизидан самарали фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу катта имкониятни тўлиқ ишга солиш юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фавқулодда муҳим эканини кўрсатиб ўтди.

Яқинда яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича имзоланган Президент қарори ижросини ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди. Ҳокимлар олдига йил якунигача 620 минг гектар, келгуси йилда 3 миллион 700 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Улар Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан бир ой муддатда деградацияга учраган майдонларни жорий йилда 10 фоизга, келаси йили 20 фоизга қисқартириш бўйича комплекс дастурларни тасдиқлайди.

Навоий вилоятида маҳаллий бюджетдан ажратилган 30 миллиард сўм ҳисобига “Кенгсой” насос станцияси реконструкция қилиниб, 20 минг гектар яйлов ўзлаштирилмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб 11 та тадбиркор сув ҳавзалари қуриш ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этишга киришган. Натижада ушбу майдонларда 60 минг бош қорамол учун йилига 250 минг тонна озуқа етиштириш имконияти пайдо бўлади.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида эса 1 минг 332 гектар яйловда пивот суғориш тизими жорий этилиб, маҳаллий шароитга мос янги озуқабоп ўсимликлар экилмоқда. Ушбу тажрибани Муборак ва Деҳқонобод туманларида ҳам йўлга қўйиш, шунингдек, бир йил ичида жами 9,4 минг гектар уруғчилик майдонини ташкил этиш топширилди.

Яйловларни сув билан таъминлаш учун молиявий манбалар ҳам белгиланди. Яйловлар ижарасидан тушадиган маблағлар ҳудудий яйлов хўжаликлари ихтиёрида қолдирилади. Ушбу маблағлар ҳисобидан қўшимча 448 та қудуқ қазилиб, келгуси йилда 1,5 миллион гектар яйловнинг сув таъминоти яхшиланади. Йил якунигача 1 минг 600 та қудуқ таъмирланади.

Қолаверса, бюджетдан ажратилган 100 миллиард сўм ҳисобидан жорий йилда 161 та, 2027 ва 2028 йилларда 81 тадан — жами 323 та суғориш иншооти барпо этилади. Бу 969 минг гектар яйловни тиклаш имконини беради.

Яйловлардан узоқ йиллардан буён фойдаланиб келаётган чорвадорларнинг ҳуқуқларини расмийлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозир 260 минг бош чорва боқилаётган 623 минг гектар яйловни амалдаги фойдаланувчилар номига расмийлаштириш учун тегишли комиссиянинг ваколати йил охиригача узайтирилади.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОҲИЧК САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 14-15 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида иштирок этади.

Озарбайжон раислигида ўтказиладиган форум кун тартибидан Осиё қитъасида ишонч, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда Кенгашнинг институционал ривожланишини янада такомиллаштиришга оид долзарб масалалар ўрин олган.

Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш, рақамлаштириш, барқарор иқтисодий ўсиш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилади.

Иштирокчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Тадбир якунлари бўйича Боку декларацияси ҳамда Ташкилотнинг роли ва самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ўтказади.

Таъкидлаш жоиз, ОҲИЧК Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форум ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Кенгаш қитъа ҳудуди ва аҳолисининг қарийб 90 фоизини ташкил этувчи 28 та давлатни бирлаштирган.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РОБОТОТЕХНИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти, профессионал маҳорати ҳамда замонавий муҳандислик соҳасидаги чуқур билим ва малакасини яққол намоён этиб, Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида ўтказилган “FIRST Global Challenge” халқаро робототехника мусобақасида дунёнинг 190 га яқин мамлакатидан келган иқтидорли ёшлар ўртасида рекорд натижага эришиб, том маънода тарихий ғалабани қўлга киритгани ва жаҳон чемпиони деган улкан шарафли номга сазовор бўлгани, шу тариқа Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, ёш авлодни илм-фан, илғор технологиялар, ихтиро ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур туйғуларини камол топтириш борасида алоҳида намуна кўрсатиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Бўтахонов Зиёдулла Зойиржон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Саломов Иброхим Уктамович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори

Абдужабборов Абдуллох Абдуғофур ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси техник мураббийси

Акбаров Шохрухбек Аъзамжон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Косимов Акбаршох Анвар ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Мирахмедов Аюбхон Анвар ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Пардаев Умарбек Шерзод ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Содиқов Шукрулло Шерали ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тешабаев Махкамбек — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тешабаева Сафина — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси менежери

Тожиқўзиев Жасурбек Рустамжон ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Урманов Баходир Дониёрович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Урманов Хондамир Дониёрович — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юсупхўжаев Ҳасанхон Алишер ўғли — Робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси менежери

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 13 октябрь

ЁШ МУҲАНДИСЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ



Мамлакатимизда IT соҳасини ривожлантириш, STEM таълимини оммалаштириш ҳамда ушбу соҳага қизиқувчи иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз мевасини бермоқда.

Ифтихор

Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида ўтказилган “FIRST Global Challenge” халқаро робототехника мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси мутлақ ғолиб бўлиши фикримизнинг яққол исботидир.

Муросасиз баҳсларга бой беллашув йигит-қизларнинг ақл-заковат, ирода ва маҳоратини чинакам синовдан ўтказди. Асосийси, дунёнинг 190 га яқин мамлакатларидан келган иқтидорли ёшлар, бўлажак конструктор ва олимлар жам бўлган ушбу анжуманда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари ўзларининг билими, ноанъанавий муҳандислик ечимлари ҳамда жамоавий жипслиги билан барчани лол қолдирди.

Бу йилги мусобақа иштирокчилар олдига жуда мураккаб, глобал ва муҳим муҳандислик вазифаларини қўйгани билан эсда қолди. Ёш робототехникларимиз бир неча ой давомида тунларни кунга улаб, ўз қўллари билан тафаккур маҳсули бўлмиш роботларини яратди.

Жаҳоннинг энг илғор давлатлари жамоалари билан кечган кескин ҳамда ҳаяжонли беллашувларда вакилларимиз дастурлаш ва механиканинг чигал тугунларини моҳирона ечиб, 3 та олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, 16 та ўйиннинг барчасида ғалаба қозониб, 637 балл билан мусобақа рекордини ҳам янгилади.

2

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН — ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Шиддатли ва глобал таҳликалар кучайган бугунги даврда дунёнинг диққат маркази аста-секин Евроосиё қитъасига, хусусан, Осиё минтақасига кўчмоқда. Минтақа нафақат жаҳон иқтисодиётининг асосий локомотиви, балки янги геосиёсий мувозанатлар шаклланадиган марказга айланди. Ана шундай улкан ва ранг-баранг қитъада хавфсизликни таъминлаш, давлатлараро ишончни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштиришда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) муҳим ва ўзига хос дипломатик платформа ҳисобланади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга бугунги кунда минтақа ҳудуди ва аҳолисининг 90 фоизини қамраган 28 давлат аъзо. Ўзбекистон ҳам 2002 йил 4 июнь куни ОҲИЧКнинг асосий ҳужжати — Олмаота актини имзолаган.

2

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАҲАРСОЗЛИК МЕГАЛОЙИҲАСИ



Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга, янги бунёдкорлик масканларига ҳар бир ташрифи юртдошларимиз, ишбилармонлар ва кенг жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида. Чунки улар халқимиз ҳамда мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилувчи янгидан-янги ҳаётий таклиф ва ташаббусларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Президентимизнинг Янги Тошкентга куни кеча амалга оширган ташрифи чоғида ҳам ушбу мегалойиҳани рўёбга чиқаришда ишларни янада жадаллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилгани, инвесторлар билан очиқ мулоқот ўтказилгани, сармоядорларга берилган мисли кўрилмаган имтиёзлар ҳамда старт олган истиқболли лойиҳалар сўзимизнинг яққол тасдиғидир.

6

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 14 октябрь

ИССИҚХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ ТАЪМИНЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шахсий томорқалардаги иссиқхоналарни янгилашга кўмаклашиш бўйича алоҳида таклифлар тайёрланган.

Хусусан, 2030 йилгача ер ва мол-мулк солиқларини 50 фоизга камайтириш, айланмадан олинадиган солиқдан озод қилиш ҳамда энерготежамкор тизимлар истеъмол қилган электр энергияси харажатининг ярмини қоплаш таклиф этилмоқда. Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги хонадонларга “яшил” энергия манбалари ва самарали ускуналарни жорий этиш учун 100 миллион сўмгача грант ажратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Янги “яшил” иссиқхона қуришга 300 миллион сўмгача, мавжудини қайта жиҳозлашга 150 миллион сўмгача имтиёзли кредит бериш назарда тутилмоқда. Иссиқхоначиликка ихтисослаштирилган 50 та маҳаллада эҳтиёжманд оилалар учун экологик хавфсиз иссиқхоналар ташкил этиш режалаштирилган.

Иссиқхоналарда ҳосил бўладиган ифлосланган дренаж ва фильтр сувларини йиғиш, тозалаш ҳамда қайта ишлатиш масаласи ҳам кўтарилди. Бунинг учун махсус оператор фаолиятини йўлга қўйиш ва Оҳангарон туманида зарур инфратузилмани ташкил этиш таклиф қилинди.

Тақдимотда иқлими қулай ҳудудларда замонавий иссиқхоначиликни ривожлантириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди. Шеробод туманидаги “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонасига 940 гектар ер ажратилган ва унинг мастер режаси ишлаб чиқилган. Зонада иссиқхоналар ва агрологистика объектларини барпо этиш, шу жумладан, банклар балансидаги иссиқхоналарни бу ерга кўчириш таклиф этилди.

Эркин иқтисодий зонада инвесторлар учун ер ижарасига беш йил давомида ноль ставка қўлланилмоқда, канализация ва ер ости сувлари билан боғлиқ тўловлар бўйича уч йиллик имтиёз берилган. Қўшимча равишда ер участкаларини норматив қийматининг 10 фоизи миқдоридаги бошланғич нарх билан аукционга чиқариш, қиймати 10 миллион доллардан юқори бўлган лойиҳалар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятидан иссиқхоналарини кўчирадиган тадбиркорлар учун эса ушбу кўрсаткични 1 фоиз этиб белгилаш таклиф қилинди.

Шунингдек, зона иштирокчиларини беш йилга ер, мол-мулк ва фойда солиқларидан, олиб келинадиган иссиқхона ускуналарини божхона божидан озод қилиш таклифи кўриб чиқилди. 400 гектар майдонда иссиқхоналар ва агрологистика объектларини барпо этиб, инвесторларга тайёр лойиҳа сифатида сотиш режалаштирилмоқда. Инфратузилмага 220 миллиард сўм, лойиҳаларни молиялаштиришга 200 миллиард сўм йўналтириш ҳамда 2027 йилда 100 миллион доллар инвестиция жалб этиш вазифаси қўйилди.

Мутасаддиларга иссиқхоналарнинг жойлашуви, энергия ресурслари манбалари ва уларни етказиб бериш ҳажмини акс эттирувчи рақамли харитани тайёрлаш топширилди. Шунингдек, иссиқхона маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотиш имкониятларини кенгайтириш бўйича чоралар ишлаб чиқилади.

ЯЙЛОВЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олис ҳудудлардаги аҳоли ўз хонадонларидаги чорвани ўтлатиши учун жамоат яйловлари ташкил этилади. Йил якунигача 470 та маҳаллага 627 минг гектар яйлов 49 йилга бепул ижарага берилади. Ушбу майдонлар солиқдан озод қилинади.

Янги тартибга кўра, яйлов ерларининг тоифасини ўзгартирмасдан чорвачилик комплекслари қуришга рухсат берилади. Бу жараёнда ер участкаларининг бошланғич нархи ва ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари каби ҳисобланади. Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида жами 130 гектар майдонда 55 минг бошдан ортиқ чорвага мўлжалланган 15 та комплекс қурилиши белгиланди.

Яйловлардан фақат чорва боқиш учун эмас, балки экотуризм, асаларичилик, доривор ўсимликлар етиштириш, кўчатчилик, овчилик ва пиллачилик йўналишларида ҳам фойдаланиш муҳим экани қайд этилди. Шу сабабли яйловларни мазкур фаолият турлари учун ҳам ижарага беришга рухсат этилади. Бундай лойиҳаларни амалга оширишда яйловларнинг табиий ҳолатини сақлаш ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга яйловларни тиклаш, сув ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун белгиланган янги имкониятларни жойларда амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

1 Тўққиз мамлакат ва бешта нуфузли халқаро тузилма, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Халқаро миграция ташкилоти, Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси ушбу кенгашнинг кузатувчиларидир.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш 2007 йил октябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олган.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг асосий мақсади — очиқ мулоқот, ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқли шериклик орқали Осиё минтақасида хавфсизликнинг бутун қитъани қамраб олувчи яхлит архитектурасини яратишдан иборат.

Аёнки, Осиёда турли цивилизациялар, динлар ва сиёсий тузумлар мавжуд. ОҲИЧК улар ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш ва ишончсизликни бартараф этиш учун ноёб мулоқот майдонини тақдим этади. Бошқа томондан, глобал хавфсизликка ҳисса қўшади. Терроризм ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда аъзо давлатларнинг кучларини бирлаштиради. Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-логистика алоқаларини ривожлантириш учун қулай сиёсий-ҳуқуқий замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси тузилманинг фаол ва ташаббускор аъзоси сифатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Кенгаш доирасидаги фаолият Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсий стратегиясига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон ОҲИЧК майдонларида бир қатор муҳим амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Масалан, тузилманинг 2019 йил 15 июнь куни Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган 5-саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, Ўзбекистонга таълим соҳалари ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг мувофиқлаштирувчиси ролини бериш таклиф қилинди. 2020 йил ноябрь ойидан эътиборан Ўзбекистонга инсоний ўлчовдаги ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчилик роли юкланган.

2022 йил октябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда эса давлатимиз раҳбари минтақа хавфсизлиги, ёш авлодни радикализмдан асраш, транспорт-логистика, рақамлаштириш, инновациялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология ва иқлим ўзгаришларига оид қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиёда яхлит хавфсизлик ва ҳамкорлик муҳитини яратиш орқали бутун Осиё қитъасида барқарорликни мустаҳкамлаш мумкин деган тамойилга амал қилади. Мамлакатимиз Осиё давлатларини бир-бири билан боғловчи “Шимол — Жануб” ва “Шарқ — Ғарб” транспорт йўлакларини ривожлантириш, транзит тўсиқларини бартараф этиш масалаларини доимий равишда кун тартибига қўйиб келмоқда. Ўзбекистон экологик хавфсизлик ва иқлим ўзгариши бўйича ҳам ўз қарашлари ва позициясига эга. Оролбўйи минтақасидаги экологик фожиа оқибатларини юмшатиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақириб, ОҲИЧК доирасида ҳам “яшил” иқтисодиёт ва экологик барқарорлик масалаларига урғу бермоқда. Шунингдек, экстремизм ва радикализмнинг олдини олишда ёшлар сиёсати, таълим, маърифат ва маънавий-маданий алоқаларни кучайтириш борасида кўплаб таклифлар илгари сурилди.

Ўзбекистоннинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашдаги фаол иштироки минтақавий ва глобал миқёсда тинчликпарвар, ташаббускор ва ишончли шерик сифатидаги обрў-эътиборини янада юксалтириб, умумий фаровонликка хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч хавфсизлик ва барқарорликнинг энг муҳим шартидир. Бироқ сўнгги вақтларда дунёда ўзаро ишонч инқирози кузатилмоқда. Жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайиб бораётгани ва у ҳатто ошкора куролли тўқнашувга айланиб кетиш эҳтимолини ҳам айрим экспертлар инкор этмаяпти. Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида, биринчи навбатда, Президентимиз таъкидлаганидек, инсон капиталини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарур. Шу муносабат билан ўзаро ҳурмат ва жамоавий масъулиятга асосланган кенгаш фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон қайси минбардан бўлмасин, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасида муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда. 2019 йили Душанбедаги саммитда ҳам, 2022 йили Остонадаги учрашувда ҳам Президентимиз тинч Афғонистон Осиё минтақасидаги барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланишини яна бир карра урғулади.



Хусусан, биринчидан, Ўзбекистон Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олишга қаратилган ва унинг яккалаб қўйилмаслигига оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаши айтиб ўтилди. Тинчлик ўрнатиш ва ушбу мамлакатда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бутун минтақа учун янги стратегик имкониятлар яратади. Афсуски, бошқа ўткир халқаро муаммолар қалқиб чиқиши натижасида Афғонистон масаласи иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу давлат амалда халқаро терроризм маконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Афғон муаммоси юзасидан кенг консенсусга эришиш ва глобал даражада амалий чораларни барпо этиш, шу жумладан, банклар балансидаги иссиқхоналарни бу ерга кўчириш таклиф этилди.

> ***Ўзбекистоннинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашдаги фаол иштироки минтақавий ва глобал миқёсда тинчликпарвар, ташаббускор ва ишончли шерик сифатидаги обрў-эътиборини янада юксалтириб, умумий фаровонликка хизмат қилмоқда.***

тадбирларни қабул қилиш мақсадида Осиё мамлакатларининг БМТ Бош Ассамблеясига қўшма мурожаати имкониятларини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Иккинчидан, ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратиш, уларнинг радикаллашувига қарши курашиш ва сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро миқёсдаги куролли можаролар, қарама-қаршиликлар дунё иқтисодиётини таназзул ҳолатига келтирмоқда. Шунинг учун, Осиё давлатлари иқтисодиётларининг глобал инқирознинг ўсиб бораётган салбий оқибатларига мослашуви долзарб вазифага айланган. Давлатимиз раҳбари фикрича, протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган омилларни, жумладан, янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик, Осиё қитъасида ўзаро боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш ҳисобига кучайтириш муҳим.

Жаҳон саноат инқилоби янги босқичига ўтмоқда. Унинг асоси эса илғор технологиялар ва инновациялардир. Соҳани ривожлантириш барқарор тараққиётга таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу йўналишларда Осиё мамлакатлари глобал етакчиликка биргаликда эришиш учун барча имкониятларга эга.

Президентимиз Остона саммитида яна бир долзарб масалани илгари сурди. У ҳам бўлса, озиқ-овқат инқирозининг олдини олиш билан боғлиқ. Яхши биламизки, айрим сабабларга кўра сайёрамизда энергия ресурслари ва озиқ-овқат нархлари ошиб кетди. Қитъамизнинг кўплаб давлатлари эса истеъмол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади ва танасида озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини жуда ўткир ҳис қилмоқда. Бутунжаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, очликдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпи Осиё қитъасида яшайди. Қизиғи шундаки, бир вақтнинг ўзида айнан Осиё мамлакатлари жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш яхлит тизимини яратиш масаласини илгари сурди. Шубҳасиз, озиқ-овқат нархлари барқарорлигини сақлашнинг энг муҳим омилларидан бири иқлимни, табиатни асраш билан боғлиқ.

Озарбайжоннинг 2024 — 2026 йиллардаги ташкилот фаолиятига раислиги унга янги нафас, амалий мазмун ва геосиёсий динамика олиб кирмоқда. Зеро, Озарбайжон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб чорраҳасида жойлашган муҳим транзит хабидир. Бокунинг ОҲИЧКдаги раислиги давридаги энг муҳим устувор йўналишларидан бири — “Ўрта йўлак” ва “Шимол — Жануб” коридорларининг геоиқтисодий аҳамиятини оширишга қаратилди. Озарбайжон Осиё мамлакатлари (Хитой, Марказий Осиё давлатлари) юкларини Европа ва Яқин Шарқ бозорларига хавфсиз ва тезкор етказиб бериш учун ОҲИЧК платформасидан транспорт тартиб-таомилларини соддалаштириш ва божхона жараёнларини рақамлаштириш майдони сифатида фойдаланмоқда.

ОҲИЧК узоқ йиллар давомида фақат консультатив кенгаш (маслаҳат майдони) бўлиб келган. Қозоғистон томонидан бошланган ва Озарбайжон раислигида давом эттирилаётган муҳим сиёсий жараён — ОҲИЧКни тўлақонли, мустақил ва халқаро майдонда нуфузли ташкилотга айлантириш. Озарбайжон ушбу трансформация жараёнига раҳбарлик қилиб, тузилманинг институционал пойдеворини мустаҳкамламоқда. Бу Осиёнинг глобал сиёсатдаги овозини кучайтиради.

Ўз навбатида, Озарбайжон Осиё қитъасида сув ресурслари тақчиллиги, Каспий денгизи сатҳининг пасайиши, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш масалаларини ОҲИЧКнинг энг устувор вазифаларидан бирига айлантирди.

Озарбайжоннинг бундай нуфузли қитъавий ташкилотга раҳбарлик қилиши Ўзбекистон учун ўз минтақавий ташаббусларини (масалан, Афғонистондаги барқарорлик, транспорт коридорлари, муҳим минераллар альянси) глобал кун тартибига олиб чиқиш учун қулай имконият яратади. Қолаверса, бу Осиё ва Кавказни ягона геоиқтисодий ва хавфсизлик маконига айлантириш, Осиё қитъасидаги ишонч чораларини транспорт, энергетика ва экологик лойиҳалар орқали мустаҳкамлаш учун тарихий имкониятдир.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

Биеннале

ТОШКЕНТДА ЖАҲОН САНЪАТИ НАФАСИ



Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида ўз ишини бошлаган XI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси юртимиз ва хорижлик ижодкорларни бир майдонда жамлади. “Воқеалар горизонти” деб номланган бу йилги санъат анжуманида 33 мамлакатдан 70 нафар рассом ва куратор ўз асарлари билан қатнашмоқда.

Кўргазма залларида рангтасвир ва графика асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, инсталляциялар, видеоарт, фотоарт ҳамда концептуал санъат йўналишидаги ижодий ишлар намойиш этилмоқда. Ҳар бир асар — муаллифнинг дунёқараши, замонга муносабати ва бадиий изланишларининг ўзига хос ифодаси. Шу тариқа биеннале санъат ихлосмандларига замонавий тасвирий санъатнинг турфа йўналишлари билан танишиш, миллий ва жаҳон санъатидаги ижодий жараёнларни қиёслаш имконини беради.

Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари, вазирлик ва идоралар ҳамда қатор муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур биеннале халқаро маданий мулоқотни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.



Биеннале дастури доирасида “Воқеалар горизонти” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда турли мамлакатлардан келган олимлар замонавий санъатнинг долзарб масалаларини муҳокама қилади. Хорижлик рассом ва кураторларнинг маърузалари, маҳорат дарслари, кураторлик лойиҳалари эса иштирокчилар учун тажриба алмашиш ва янги ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини яратади.

Санъат ихлосмандлари тадбирлар давомида юртимизнинг 40 нафар рассоми ижоди билан ҳам яқиндан танишиши мумкин. Бу эса миллий тасвирий санъатимизнинг бугунги қиёфаси, ижодкорларимизнинг изланишлари ва замонавий бадиий тафаккурдаги ўзгаришларни кенгроқ англашга хизмат қилади.

Кўргазмалар Ўзбекистон Бадиий академиясининг “Академия” галереяси, Марказий кўргазмалар зали, Тошкент фотосуратлар уйи, Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройи, Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ташкил этилади. Дастурдан Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ҳам ўрин олган.

Шубҳасиз, XI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси турли маданиятлар, бадиий қарашлар ва ижодий тажрибаларни бирлаштирувчи халқаро мулоқот майдонидир. Бу ерда санъат асарлари орқали халқлар бир-бирини яқинроқ англайди, миллий мерос ва замонавий изланишлар ўртасида янги маъно кўприклари барпо этилади.

«Халқ сўзи».

ЁШ МУҲАНДИСЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

1 Президентимизнинг “Робототехника бўйича халқаро мусобақа ғолиблари ва уларнинг мураббийларини муносиб рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони том маънода тарихий ғалабани қўлга киритган ва жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига муносиб рағбат бўлди.



...Куни кеча тун ярмидан оққан бўлса-да, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти байрамона кайфиятга бурканди. Зафар қучган ёш қаҳрамонларимизни кутиб олиш учун Ёшлар ишлари агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари ҳамда ота-оналар, устозлар жам бўлди.

Учоқ ҳаво бандаргоҳига қўниб, кутиб олиш зали эшиклари очилиши биланоқ гулдурос олқишлар ҳамда карнай-сурнай садолари янгради. Бўйинларида зафар тожи каби ярқираган медаллар ва қўлларида юртимиз байроғи билан кириб келган ёш муҳандисларни кўриб, йиғилганларнинг қалбида чексиз ифтихор туйғуси жўш урди.

Ота-оналарнинг жигарбандларини бағрига босиши, устозларнинг шогирдлари елкасига фахр билан қоқиб қўйиши ҳамда ёшларнинг юзидаги табассумлар тарихий ва унутилмас манзарани яратди.

— Ҳар бир дақиқа, ҳар бир аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳаракат ортида минглаб соатлик меҳнат, устозлар ўгити ва юрт шаънини баланд тутишдек муқаддас масъулият мужассам, — дейди робототехника бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сардори, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Иброҳим Саломов. — Инчхондаги мусобақа майдонида Ватанимиз номи баралла янграб, музаффар бўлганимизни эшитган пайт кўнглимизда фахр ва ифтихор туйғусини туйдик. Бу бизга ишонч билдирган, дуо қилиб турган халқимиз, устозларимиз ва ота-оналаримизнинг ҳам ғалабасидир!

Дарҳақиқат, ёш робототехникларимизнинг халқаро майдонда эришган ушбу шонли муваффақияти Учинчи Ренессанс пойдеворини қураётган Янги Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти нақадар баланд экани, жонажон Ватанимизда эртанги куннинг юқори технологияларини яратувчи авлод улғаяётгани ифодасидир, десак, айни ҳақиқат.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Янги Тошкентни пойтахт билан боғлаш учун Темур Малик кўчаси ва «4R12» автомобиль йўли ўртасида кўприк, йўлўтказгич ҳамда 10 километрлик йўл қурилади.

Учрашув

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Германия Бундестагининг “ГФР — Марказий Осиё” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раҳбари Кристиан Гёрке таклифига биноан Берлин шаҳрида бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Содиқ Сафоев Германия Федерал Президентининг ташқи сиёсат бўйича маслаҳатчиси Вольфганг Зилберман билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатлар юқори баҳоланиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодий ўсиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий муносабатларни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Таълим ва касбий тайёргарлик соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, немис тилини ўрганиш имкониятларини ошириш, икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, парламентлараро алоқалар ва ҳамкорлик бўйича гуруҳлар фаолиятини кенгайтириш масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Иқтисодий йўналишда “Volkswagen” ва “Henkel” компаниялари иштирокидаги саноат лойиҳалари, инвестицияларни жалб қилиш, транспорт ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда “Марказий Осиё — Германия” форматидаги саммитларни давом эттириш зарурлиги айтилди.

Халқаро конференция

ЯДРОВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ САНОАТДА ҚЎЛЛАШ МАВЗУСИ — КУН ТАРТИБИДА

Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, ядровий технологиялардан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда самарали фойдаланиш ҳамда халқаро илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 70 йиллигига бағишланган “Ядро фани ва унинг татбиқ этилиши” мавзуида XII халқаро конференция бўлиб ўтди.

Очилиш маросимида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов сўзга чиқиб, Ядро физикаси институтининг 70 йиллик фаолияти давомида фундаментал ва амалий фан ривожига қўшган салмоқли ҳиссасини, хусусан, ядровий тиббиёт, энергетика, радиациявий хавфсизлик, экология ва саноат соҳаларида эришилган илмий ютуқларнинг аҳамиятини таъкидлади.

Шунингдек, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилларидан экани қайд этилди.

Конференцияда ўнлаб давлатлардан 150 дан ортиқ олим ва мутахассислар, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаларидан 60 дан зиёд олимлар иштирок этди. Назарий ва экспериментал ядро физикаси, ядровий тиббиёт, радиациявий материалшунослик, ядро энергетикаси, экологик хавфсизлик ҳамда ядровий технологияларни саноатда қўллашга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман кун тартиби доирасида 160 дан ортиқ илмий маъруза ва ишлар тақдим этилди.

«Халқ сўзи».

МИНТАҚАВИЙ КАСБЛАР АТЛАСИ — ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Глобал иқтисодиётда мамлакат рақобатбардошлиги, аввало, инсон капиталининг сифати, аҳолининг билим ва малакаси, замонавий касбий кўникмалари билан белгиланади. Шу боис демографик салоҳиятдан самарали фойдаланиш, таълим тизимини меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш барқарор тараққиётнинг муҳим шартларидан бирига айланмоқда.

Мулоҳаза



8 октябрь куни бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти талаб юқори бўлган касблар ва компетенцияларнинг минтақавий атласини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур таклиф меҳнат бозорининг бугунги ва истиқболдаги эҳтиёжларини аниқлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда мамлакатлар ўртасидаги касбий ва таълимий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Минтақавий касблар атласи шунчаки касблар рўйхати ёки статистик маълумотлар тўплами бўлиб қолмаслиги керак. У қайси соҳаларда қандай мутахассисларга эҳтиёж ортиши, улардан қайси билим ва кўникмалар талаб қилиниши, таълим тизими эса бу ўзгаришларга қай даражада тайёр эканини кўрсатувчи амалий воситага айланиши лозим.

Бунинг учун саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, логистика ва хизматлар соҳаси билан бир қаторда, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик ва “яшил” технологиялар йўналишларидаги кадрлар эҳтиёжини ҳам ўрганиш муҳим.

Жаҳон иқтисодий форумининг “Келажак касблари — 2025” ҳисоботига кўра, 2030 йилга қадар жаҳондаги таркибий ва технологик ўзгаришлар натижасида 170 миллионта янги иш ўрни яратилиши, 92 миллионта мавжуд иш ўрни эса қисқариши прогноз қилинмоқда. Натижада соф ҳисобда 78 миллионта иш ўрнига тенг ўсиш кутиляпти. Бу рақамлар меҳнат бозоридаги ўзгаришларни олдиндан баҳолаш, ходимларни қайта тайёрлаш ва янги касбларга йўналтириш нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ёндашувларида ҳам меҳнат бозори маълумотларини тизимли таҳлил қилиш, иш берувчилар эҳтиёжларини аниқлаш ва касбий тайёргарликни келгуси талабларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу нуқтаи назардан, касблар атласини ишлаб чиқишда давлат органлари, таълим муассасалари, илмий марказлар ва иш берувчилар ҳамкорлиги ҳал этувчи аҳамиятга эга. Чунки таълим дастурлари иқтисодиёт талабларидан ортда қолса, битирувчиларнинг иш топиши қийинлашади, айни пайтда иш берувчилар зарур мутахассисларни излашга мажбур бўлади. Атлас эса бу нотаносибликни камайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Демографик салоҳиятни иқтисодий натижага айлантиришда ёшларнинг ўрни беқиёс. Бироқ аҳоли сонининг кўплиги ўз-ўзидан иқтисодий ўсишни таъминламайди. Бунинг учун сифатли таълим, касбий тайёргарлик, муносиб бандлик ва тадбиркорлик имкониятлари ўзаро уйғун бўлиши зарур.

Статистик маълумотлардан аёнки, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 14 дан 30 ёшгача бўлганлар сони 9 654 351 кишини ташкил этди ва бу жами аҳолининг 26,8 фоизига тенг. Бу эса мамлакатимизда улкан интеллектуал ва меҳнат салоҳияти мавжудлигини англатади.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинса, Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё ёшлар сони энг кўп вилоятлар ҳисобланади. Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятлари эса аксинча.

Демак, ҳудудлар ўртасида ёшлар сони бўйича муайян фарқларнинг мавжудлиги касбий таълим ва бандлик дастурларини режалаштиришда ҳар бир ҳудуднинг демографик хусусиятлари, иқтисодий ихтисослашуви ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатади.

Масалан, қайси ҳудудда ишлаб чиқариш ёки хизматлар соҳаси жадал ривожланаётган бўлса, ўша ерда юқори талабдаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлашга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Бу таълим муассасалари фаолиятини иқтисодиёт эҳтиёжлари билан боғлаш, ёшларнинг бандлигини ошириш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Шу жиҳатдан, минтақавий касблар атласи ёшларнинг демографик салоҳиятини аниқ касбий йўналишлар билан боғлаш имконини яратади. У таълим йўналишларини такомиллаштириш, касбий тайёргарликни мақсадли ташкил этиш ва кадрларга талабни олдиндан белгилаш учун муҳим асос бўла олади.

Марказий Осиё мамлакатлари аҳолининг ёш таркиби, табиий ресурслар, ишлаб чиқариш салоҳияти, транспорт-логистика имкониятлари ва таълим тизимлари жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларга эга. Бу имкониятларни ўзаро мувофиқлаштириш минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Жумладан, қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув, ишлаб чиқариш амалиёти, илмий тадқиқот лойиҳалари ва касбий малака ҳужжатларини ўзаро тан олиш орқали мамлакатлар кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтириши мумкин. Бунда ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари, таълим тизими ва меҳнат қонунчилигини ҳисобга олиш муҳим.

Атласни самарали ишлаб чиқиш учун, аввало, касблар ва компетенцияларни таснифлашнинг умумий методологиясини шакллантириш, меҳнат бозори прогнозларини қиёслаш мезонларини келишиб олиш зарур. Шунингдек, демографик статистика, таълим муассасалари маълумотлари, иш берувчилар сўровлари ва бўш иш ўринлари ҳақидаги ахборотни ягона тизимда бирлаштириш лозим.

Ҳудудий инсон капиталини баҳолашга хизмат қилувчи рақамли платформани яратиш ҳам истиқболли йўналишлардан биридир. У орқали кадрларга талабнинг ўзгаришини кузатиш, таълим инфратузилмасини баҳолаш ва инвестиция лойиҳалари учун зарур мутахассисларни олдиндан тайёрлаш имкониятлари кенгаяди.

Айни пайтда бундай тизим бир марталик лойиҳа бўлиб қолмаслиги керак. Меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, технологик янгиланишлар ва демографик тенденциялар асосида маълумотлар мунтазам янгиланиб, прогнозлар амалиётдаги натижалар билан таққослаб борилиши зарур.

Демак, талаб юқори бўлган касблар ва компетенцияларнинг минтақавий атласи демографик салоҳиятни инсон капиталига айлантириш, таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, ёшлар бандлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим восита бўлиши мумкин. Унинг самарадорлиги эса ишончли маълумотлар, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, таълим муассасалари ва иш берувчиларнинг фаол иштироки ҳамда қабул қилинган қарорларнинг амалий ижросига боғлиқ.

Чунки демографик имкониятларнинг иқтисодий кудратга айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун инсон капиталига изчил сармоя киритиш, ёшларга замонавий касбларни эгаллаш имконини яратиш ва меҳнат бозори эҳтиёжларини олдиндан ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуснинг стратегик аҳамияти ҳам минтақанинг демографик салоҳиятини билим, малака, инновация ва барқарор иқтисодий ўсиш манбаига айлантиришда намоён бўлади.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатида “Ўзбекистон — Кипр” ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестиция, таълим, туризм, рақамлаштириш ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Ҳамкорлик

Томонлар парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, гуруҳлар йиғилишларини мунтазам ўтказиш ва тегишли қўмиталар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ва имзоланган ҳужжатлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқот давомида таълим, туризм ва маданият йўналишларида ҳам ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Кипр томони ажратаётган стипендиялар ва малака ошириш дастурларидан самарали фойдаланиш, маданий меросни сақлаш ва тиклаш бўйича тажриба алмашиш, ўзаро туристик оқимларни кўпайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ва Кипр ўртасидаги ҳамкорликнинг катта салоҳиятга эга эканини айтиб, ўзаро алоқаларни келгусида ҳам изчил давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ёшлар

НАВҚИРОН АВЛОД ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Икромхон Нажмиддинов Наманган шаҳридаги 31-умумтаълим мактабида ташкил этилган ёшлар фестивалида қатнашди.

Фестиваль доирасида ёшларни турли салбий иллатлардан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз!” шиори остида акция ўтказилди. Унда сенатор мутасаддилар билан бирга гиёҳвандликнинг инсон саломатлиги ва келажагига салбий таъсири, унинг оғир оқибатлари ҳамда бундай иллатларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фикр билдирди.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни касб-ҳунарга йўналтиришга бағишланган меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда икки мингга яқин мактаб битирувчилари ва уюшмаган ёшлар бўш иш ўринлари ва ишга жойлашиш имкониятлари билан яқиндан танишди.

Фестиваль якунида йигит-қизларнинг ташаббус ва салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, уларни эзгу мақсадлар сари руҳлантириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш муҳимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ДАРОМАДГА ЙЎЛ ОЧГАН ИМКОНИЯТЛАР

Бундан беш йил аввал Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидаги Баландчақир маҳалласида истиқомат қилувчи Нилуфар Мамадалиева оиласи бошига кулфат тушди: уларнинг уйи бутунлай ёниб кулга айланди. Февралнинг совуқ кунларида ёш фарзандлари билан ҳеч нарсасиз қолишгани уни ва турмуш ўртоғини гангитиб қўйди.

Маҳаллий Кенгашларда

Боболар айтадики, “Эл бор бўлса, эр хор бўлмас”. Ёш оила бу синов билан ёлғиз қолиб кетмади. Маҳалладаги қавму қариндошлар, туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан роппа-роса бир ой муддат ичида тўрт хонали уй янгидан қуриб битказилди, унинг бир хонаси яшаш учун тахт ҳолатга келтирилди.

— Оиламиз бошига синовли кунлар тушганида маҳалладошларимиз қариндошлар меҳр-оқибатини, давлатимиз ғамхўрлигини чин юракдан ҳис этдик, — дейди Нилуфар Мамадалиева. — Бу яхшиликларни кун келиб меҳнатим билан қайтараман деб ният қилган эдим. Шу сабабли, маҳалладан ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш хизмати ташкил этиш таклифи тушганида, ҳеч иккиланмай рози бўлдим. Ногиронлиги бор болалар ҳам худди соғлом болалар каби меҳр, эътибор, тарбия ва рағбатга муҳтож. Асосийси, бу фаолият ортидан ҳам ижтимоий хизмат кўрсатиш, ҳам даромад топиш имкони пайдо бўлди.

Баландчақир маҳалласида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва янги даромад манбаларини яратишга қаратилган мазкур ташаббус орқали 3 та иш ўрни яратилди. Айни пайтда мазкур муассасада имконияти чекланган 7 нафар бола парвариш қилинмоқда.

— Президентимизнинг “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш мақсадида мазкур хизмат ҳудудларда кенг жорий этилмоқда, — дейди халқ депутатлари Янгиобод тумани Кенгаши депутати, маҳалла хотин-қизлар фаоли Зулфия Абдураимова. — Бу орқали биринчи галда ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилаларнинг меҳнат қилишига тўсиқ бўлувчи сабаблар бартараф этилиб, уларнинг ишлаши учун шароит яратиляпти. Энг асосийси, болаларнинг оила қарамоғида қолиши таъминланиб, ижтимоий етимлик, яъни боланинг ота-онаси ҳаёт бўлатуриб, уларнинг парвариши, тарбияси ва моддий таъминотидан маҳрум бўлишининг олди олинмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, мазкур хизматни ташкил қилган фуқаро ва ишга жалб этилган ходимлар учун барқарор даромад манбаи яратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда 30 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Янгиобод туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларга доимий ва барқарор даромад манбаларини яратиш, камбағалликдан чиқариш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш борасида тизимли ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мавжуд 8 та маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилиб, ишсиз ва даромад манбаига эга бўлмаган фуқаролар аниқланмоқда, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриляпти. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, томорқа ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, чорвачилик ҳамда бошқа фаолият турларини йўлга қўйиш, барқарор даромад манбаини яратиш орқали ишсизлик масаласи ҳал этилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида туманда йил бошидан бери 226 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 5,8 фоиздан 3,7 фоизга туширилди.

Ушбу йўналишда ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда туман Кенгаши депутатларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар аҳоли билан бевосита учрашувлар, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш орқали бандлик билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиб, туманда даромад манбаларини кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Халқ депутатлари Янгиобод тумани Кенгаши котибияти мудири, депутат Валижон Ҳасановнинг маълум қилишича, биргина “Ҳавотоғ” ҚФЙда ўтказилган ўрганишларда 32 нафар ишсиз фуқаро аниқланиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилган. Жумладан, 20 нафар фуқаро фермер хўжаликларига, 3 нафари эса ҳудуддаги 11-умумтаълим мактабига ишга жойлаштирилган. Ёки қишлоқнинг Бештом кўчасида яшовчи Наврўз Донаев бўш турган бинода тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ўзи ва оила аъзоларининг бандлигини таъминлади.

— Оилада ёлғиз боқувчи бўлганим учун қандай қилиб маблағ топиш, даромадимни ошириш, уй-рўзғор харажатларига етказиш доимий ўйим эди: мусофирчилик заҳматиниям кўрдим. Етишмовчилик ортидан маиший муаммолар бўлиб тургани ҳам сир эмас, — дейди ёш тадбиркор. — Ошпазликда ўн икки йиллик тажрибам бор. Шу ҳунаримдан унумли фойдаланиб, ошхона хизматини йўлга қўйдим. Ишли одамнинг рўзғори бут, нияти катта, келажакка ишончи баланд бўлишини ўз ҳаётимда кўрдим. Энди ҳам даромад топяпмиз, ҳам халқимизга нафимиз тегяпти.

Туман қишлоқ хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали даромад манбаларини кенгайтириш масаласи ҳам депутатлар эътиборида. Масалан, Кўшқанд қишлоғида яшовчи Зуҳра Тошпўлатовага “Абдулазиз — Муяссар” фермер хўжалигидан 2 гектар ер майдони ажратиб берилиши натижасида оилавий даромади ошган бўлса, Абдулла Маъмуровга 2 бош наслли қорамол хариди учун кредит ҳужжатлари расмийлаштирилиши унга чорвачиликдан қўшимча маблағ топиш имконини берди.

15-“Пастки Сармич” сайлов округидан сайланган депутат Собир Ҳожиевнинг фикрича, манзилли ишларнинг асл мақсади ижтимоий реестрда турувчи фуқароларни даромадли меҳнатга жалб этишга қаратилган. Депутатнинг бевосита кўмаги билан ижтимоий реестрда турувчи Нажмиддин Ҳалимовга “Бахт барака” МЧЖ томонидан 5 гектар ер майдони ажратиб берилди. Фуқаро ушбу ер майдонида полиз экинлари етиштиришни йўлга қўйди, натижада даромад топиш имкониятлари ошди. Яна бир ижтимоий реестрда турувчи фуқаро Равшан Сангилов “Сармич гулшани” фермер хўжалигига доимий ишга жалб қилинди ва барқарор даромадга эга бўлди.

Келтирилган мисоллар туманда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда манзилли ёндашувнинг муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда. Бундан кўзланган мақсад — ишсиз фуқарони вақтинчалик қўллаб-қувватлаш эмас, балки унинг ўз меҳнати ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдалана олишига кўмаклашиш. Чунки аҳолини камбағалликдан чиқариш бир кунлик иш ёки бир марталик ёрдам бериш билан ечим топадиган масала эмас. Бунинг учун вақт, имконият ва энг муҳими, ишонч керак. Аҳамиятлиси, бир фуқаронинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратилаётган бўлса, яна бири хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллашига сабабчи бўлмоқда. Ер ва чорвачилик имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали ижтимоий реестрда турувчи фуқаролар иш билан таъминланмоқда. Зеро, инсон учун энг кераклиси, бу ўз меҳнати билан оиласини боқиши, эртасидан хотиржамлигидир. Оилабошининг доимий иши ва муносиб даромади рўзғордаги тинчлик, осойишталикнинг калити.

Дилноза ҲАЙИТОВА
(«Халқ сўзи»).

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар IT-хизматлар экспортини 5 млрд. долларга етказиш ҳамда соҳада 300 мингдан зиёд ёшлар бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 14 октябрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва саноат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига оид масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича кўриб чиқилгани қайд этилди.



Қонун лойиҳаси такомиллаштириладиган бўлди

Мажлисда дастлаб давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокамадан ўтказилди.

Ушбу ҳужжат давлат харидлари бўйича шаффофликни таъминлаш ва рақобат муҳитини кенгайтириш, харид тартиб-таомилларини хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини мазкур жараёнда янада фаол иштирок этишга кенг жалб қилишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида давлат харидларига тааллуқли шикоятларни кўриб чиқиш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланмоқда. Бу эса соҳада ҳисобдорлик ва назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида харид тартиб-таомилларига оид нормалар ўзаро мувофиқлаштирилиб, айрим қоидаларнинг мазмуни аниқлаштирилгани ва қатор таҳририй тузатишлар киритилгани айтилди. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни қўллаб-қувватлаш, такрорий харидларда ягона иштирокчи билан боғлиқ тартибларни аниқ белгилаш ҳамда давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини кучайтиришга қаратилган нормалар такомиллаштирилгани урғуланди.

Депутатлар лойиҳа юзасидан айрим таклифларини билдирди. Хусусан, такрорий аукцион, танлаш ва тендерларда ягона иштирокчи билан боғлиқ тартибларни аниқ белгилаш, бюджет буюртмачиларининг давлат харидларида преференция қўлланилиши мумкин бўлган маҳаллий субъектлар доирасини кенгайтириш шулар жумласидан.

Шунингдек, давлат харидларига тааллуқли ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, амалиётда турлича талқин этишга сабаб бўладиган номувофиқликларга йўл қўймаслик зарурлиги айтилди.

Билдирилган таклиф-тавсиялардан сўнг қонун лойиҳаси масъул қўмита — Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан янада такомиллаштириладиган бўлди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги имкониятлар

Депутатлар интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат соҳада ҳуқуқий ҳимоя механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарлар, жумладан, адабий, сценарий, мусиқали, хореография, аудиовизуал, архитектура, дизайн каби асарларга бўлган мулкий ҳуқуқларни тартибга солишда томонларнинг шартномавий эркинлиги таъминланмоқда. Хусусан, хизмат асарларига оид мулкий ҳуқуқларнинг ўн йилдан кейин автоматик равишда муаллифга ўтиши ҳақидаги норма бекор қилиниб, мазкур муносабатларни шартнома асосида белгилаш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизаси қарорларидан норози бўлган шахсларга Апелляция кенгашига мурожаат билан бир қаторда, бевосита судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш имкониятини кенгайтириб, бузилган ҳуқуқларни тиклашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси билан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуқларига оид патентларнинг амал қилишини сақлаш учун давлат божини олдиндан тўлаш имконияти ҳам яратилмоқда. Бу ҳуқуқ эгалари учун қўшимча қулайликлар яратиш, патентларнинг техник сабабларга кўра амалдан чиқиб кетишининг олдини олиш ҳамда интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланишни таъминлашга имкон беради.

Шунингдек, лойиҳа билан Фуқаролик кодекси, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “География кўрсаткичлар тўғрисида” ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди. Жумладан, Апелляция кенгашида апелляцияни кўриб чиқиш юзасидан таклиф этилаётган муддатларга эътибор қаратилди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— *Қонун лойиҳасининг 1-моддаси билан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуннинг 21, 22, 23, 27-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этиляпти. 21 ва 22-моддаларда Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши амалдаги таҳрирда ҳам бор эди ва бу қонун лойиҳасида ҳам сақланиб қоляпти.*

Аниқлик киритилиши керак бўлган жиҳат 23-модда билан боғлиқ. Бу моддада амалдаги таҳрирда “Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим” эди. Таклиф этилаётган нормада эса бу муддат ҳам 21 ва 22-моддалардагидек икки ойга туширилляпти. Нима учун 21 ва 22-моддалардаги муддатлар ўзгартирилмагани ҳолда 23-моддада амалдаги тўрт ойлик муддат икки ойга туширилляпти?

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари ушбу саволга жавоб бериб, ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлашда билдирилган фикрлар инобатга олинишини айтишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий муҳит яратиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳарбий хизматни ўташ тартиби ўзгартирилмоқда

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига ҳарбий хизматни ўташ тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

У Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўташнинг нуфузи ва жозибадорлигини ошириш, малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Лойиҳа билан олий ҳарбий, шунингдек, хорижий олий ҳарбий таълим муассасаларининг учувчи мутахассислиги бўйича битирувчилари билан янги шартнома тузишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, республика китобхонлик танловида юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини бир ойга қисқартиришни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида мазкур рағбатлантириш чораси ҳарбий хизматчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этиш, уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Козимжон ТОЖИЕВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— *Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, унда белгиланаётган янги нормалар юқори малакали учувчи мутахассисларнинг касбий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг кўп йиллик тайёргарлиги ва тажрибасини ҳарбий авиацияни янада ривожлантиришга йўналтириш ҳамда Қуролли Кучларнинг профессионал салоҳиятини юксалтиришга имкон беради.*

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Саноат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги назорат кучайтирилади

Мажлисда саноат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида ишлар изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашиб бориши саноат хавфсизлиги қоидалари ва ҳуқуқий механизмларни замон талабларига мувофиқ такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан хавфли ишлаб чиқариш объектларида авариялар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, давлат назорати самарадорлигини ошириш ҳамда соҳадаги масъул субъектларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш назарда тутилмоқда.

Лойиҳа билан Жиноят кодексига хавфли ишлаб чиқариш ҳамда потенциал хавфли объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузганлик, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатлар учун қатъий жазо чораларини белгилашни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, саноат хавфсизлиги талабларига риоя этмаслик, хавфли ишлаб чиқариш объектларида давлат назоратини юритмаслик ҳамда авариялар олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик кўриш талабларини бажармаганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима жазосини қўллаш ва такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, ваколатли органларнинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ҳам назарда тутилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши саноат хавфсизлигини таъминлашда давлат назорати самарадорлигини оширишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария ва бахтсиз ҳодисалар хавфини камайтиришга ҳисса қўшади.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг долзарблиги ва соҳадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Инвестициявий жозибадорликни ошириш — муҳим вазифа

Депутатлар инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Қудратовга “Ҳудудларда чет эл инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, инвестициявий самарадорликни баҳолаш ва инвесторлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар билан самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш, уларнинг ижросида юзага келаётган муаммоларни тезкор аниқлаш ва бартараф қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, инвестиция лойиҳаларини ғоя босқичидан ишга туширилгунга қадар ягона ёндашув асосида кузатиб бориш, ер майдони ажратиш, зарур инфратузилма билан таъминлаш, рухсат бериш жараёнларидан ўтиш ва бошқа босқичларда юзага келаётган тўсиқларни ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи рақамли ва ташкилий механизмларнинг амалдаги самарадорлигини баҳолаш зарур. Шунингдек, махсус иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий асослари ва бошқарув моделини такомиллаштириш, уларда инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, резидентларни зарур инфратузилма билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудларда хорижий инвестицияларни самарали жалб этиш ва лойиҳалар ижросини назорат қилиш, махсус иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш, инвестицияларнинг ҳудуд иқтисодиёти ва инсон капитали ривожига таъсирини ошириш ҳамда экспортбоп корхоналарни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан инвестициялар, саноат ва савдо вазирига парламент сўрови юборилди.

Агентлик директорига парламент сўрови юборилди

Мажлисда Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги директори Ш. Ҳасановга “Чиқиндиларни бошқариш, циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, чиқиндиларни бошқариш, циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси тасдиқланди. Президентимизнинг соҳага оид қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчиларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга умумий қиймати 386,5 млрд. сўм миқдоридаги инвестиция маблағлари йўналтирилган.

Шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш, жумладан, қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш йўналишида амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида умумий қиймати 933 млн. АҚШ долларидан зиёд бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда олиб бораётган ўрганишлари мазкур соҳада қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, рекультивация ишларини белгиланган муддатларда якунлаш билан боғлиқ кечикишлар кузатилмоқда. Айрим чиқинди полигонларини экологик нормативлар, санитария қоидалари ва нормалари ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлаштириш зарурати мавжуд.

Бундан ташқари, жойларда соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар, хусусан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари сифати юзасидан ҳам айрим фуқаролар томонидан мурожаатлар бўлмоқда.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, чиқиндиларни бошқариш, циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ҳақида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги директорига парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

Парламент дипломатияси

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаоллиги ва ташаббускорлиги парламентлараро ҳамкорликда яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, Танзаниянинг Аруша шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 153-ассамблеяси халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарор тараққиёт масалаларини муҳокама қилишга қаратилган муҳим майдон бўлди. Дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларидан 700 га яқин парламент вакиллари иштирок этган анжуманда Ўзбекистон делегацияси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, устувор ташаббуслар ва халқаро ҳамкорликка доир ёндашувларни илгари сурди.



Ассамблея давомида мамлакатимиз ҳақидаги илиқ фикрлар ва амалга оширилаётган ўзгаришларга билдирилган қизиқиш Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Бундай эътироф, аввало, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, инсон қадрини улуғлаш, очиқликни таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган сиёсатнинг натижасидир. Юртимизнинг бугунги қиёфаси, жамият ҳаётидаги янгиланишлар ва халқаро ҳамкорликка очиқлиги хорижий шерикларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, иқлим ўзгариши ва ресурслар танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги глобал барқарорликнинг муҳим омили сифатида кун тартибига чиқмоқда. Ассамблея доирасида ўтказилган “Дастурхонимизда нима бор? Ўзгарувчан иқлим шароитида соғлом озиқ-овқат билан таъминлаш” мавзуидаги семинарда озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ хўжалигининг барқарорлиги ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш муҳим вазифалар сифатида қайд этилди. Тадбирда Ўзбекистоннинг 2027 — 2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилиши муносабати билан келгуси ҳамкорлик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Арушадаги ассамблея Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаол иштироки ва конструктив ёндашувини яна бир бор намоён этди. Мамлакатимизнинг очиқ ташқи сиёсати, ислоҳотларга содиқлиги ва глобал муаммоларга ҳамкорлик асосида ечим топишга қаратилган интилиши халқаро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Муҳими, бу жараёнда Ўзбекистон ўз тараққиёт тажрибасини тақдим этиш билан бирга умумий барқарорлик, инсонпарварлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни ҳам илгари сурмоқда.

Манзура САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Словения Республикаси бандлик хизмати ҳамда ушбу мамлакат ҳунармандчилик ва кичик бизнес палатаси вакилларидан иборат делегация Самарқанд шаҳридаги касбий кўникмалар марказида Миграция агентлиги вилоят ҳудудий филиали масъуллари билан учрашди.

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ — АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгилари, шак-шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилиниши, жамиятда қонун устуворлигининг изчил таъминланиши ҳамда суд ҳокимиятининг том маънода мустақил ва холис фаолият юритишидан иборат.

Зеро, давлатнинг қонунчилик тизими ва норматив-ҳуқуқий базаси мукаммал, халқаро андозаларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиши билан бирга, унинг амалиётга қандай татбиқ этилиши ва бузилган ҳуқуқларни қай даражада самарали тиклаш мумкинлиги, аввало, мустақил, холис ва адолатли суд тизимига бевосита боғлиқ. Суд мустақиллиги таъминланган жамиятдагина фуқаро ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимояланганига ишонади, тадбиркор ўз фаолиятини барқарор ва узоқ муддатли режалаштира олади, давлат органлари эса ўз қарор ва ҳаракатларининг қонунга мувофиқлиги учун масъулиятни чуқур ҳис этади. Шу маънода, суд мустақиллиги фақат суд тизимининг ички масаласи эмас, балки мамлакат тараққиёти, ижтимоий ишонч ва иқтисодий барқарорликнинг муҳим ҳуқуқий шартидир.

Нуқтаи назар

Юксалишнинг еттита миллий дастури

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Янги Ўзбекистон тараққиётини келгуси босқичга олиб чиқишга қаратилган еттита миллий дастур илгари сурилди.

Бешинчи миллий дастур — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилган бўлиб, унинг аҳамияти шундаки, бу мақсад фақат суд-ҳуқуқ тизими олдига қўйилган алоҳида вазифа сифатида эмас, балки давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасига дахлдор умумий тараққиёт омили ўлароқ белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу стратегик дастур доирасида ҳуқуқий тарбияни мактаб остонасидан бошлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний кафолатларини кучайтириш, замон таҳдиди бўлган кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатларнинг олдини олиш, жамият ривожига ғов бўлаётган яширин иқтисодиёт ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши аёвсиз курашиш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича суд-ҳуқуқ тизими ҳамда жамият олдига жуда улкан ва концептуал вазифалар белгилаб берилди.



Суд мустақиллигини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантириш миссияси шуни англатадики, бундан буён қонунга ҳурмат билан қараш ва суднинг мустақиллигини тан олиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир мансабдор шахс ва давлат органи учун бош тамойил — кундалик ижтимоий қадрият даражасига кўтарилиши лозим. Бунинг учун эса, ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда фуқароларга ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни сингдириш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолати бўлишидан ташқари, давлат ва жамият, халқ билан давлат органлари ўртасидаги ўзаро ишончнинг таянч кўприги ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг дастлабки ўн йиллигида амалга оширилган конституциявий ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида судларнинг мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янги босқичга олиб чиқилди, судья мақомининг дахлсизлиги кучайтирилди ва одил судловдан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Ҳозирда эса суд ҳокимияти мустақиллигининг моҳиятини чуқурлаштириш ва аҳамиятини мустаҳкамлаш даркор. Шунга кўра, Президентимизнинг 2026 йил 14 августдаги фармони билан тасдиқланган “Одил судлов — 2030” стратегияси суд мустақиллигини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишнинг комплекс дастурига айланди. Ушбу стратегияда алоҳида белгиланган “Адолат қўрғони” устуни доирасида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, ҳар қандай таъсир, босим ва ноқонуний аралашувлардан холи, чинакам мустақил одил судлов тизимини бунёд этиш бош мақсад қилиб белгиланди. Шундай экан, бугунги тараққиёт босқичида суд мустақиллигига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг асосий ҳамда бош конституциявий кафолати сифатида қараш лозим. Зеро, халқаро майдонда тан олинган Судьялар ахлоқининг Бангалор принципларида ҳам суд мустақиллиги ҳуқуқ устуворлигининг зарур шарти ва адолатли судловнинг муҳим кафолати сифатида эътироф этилган бўлиб, унда суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини таъминлаш зарурлиги алоҳида кўрсатилган.

Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги, аввало, унинг молиявий мустақиллигини ҳам таъминлашни тақозо этади. Шу мақсадда 2026 йил 11 сентябрда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, судлар фаолиятини фақат Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш, ажратиладиган маблағлар одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун етарли бўлишини таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг маблағларни шакллантириш ва ички тақсимлаш жараёнида бевосита иштирок этишига қаратилган янги механизм белгиланди. Мазкур қонун суд мустақиллигининг молиявий кафолатларини мустаҳкамлаб, суд ҳокимиятини Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришнинг барқарор ва мустақил тизимини шакллантиришга асос солди.

Шунингдек, яқинда жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, суд ишларига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Хусусан, судьяга ёки халқ маслаҳатчисига муайян ишни холис кўриб чиқишга тўсқинлик ёки адолатсиз суд ҳужжати қабул қилинишига эришиш мақсадида қонунга хилоф таъсир ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши аниқ белгилаб қўйилди. Мазкур норма суд мустақиллиги ҳимоясининг муҳим кафолати бўлиб, судларнинг обрўсини ошириш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

> *“Президентимизнинг 2026 йил 14 августдаги фармони билан тасдиқланган “Одил судлов — 2030” стратегияси суд мустақиллигини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга олиб чиқишнинг комплекс дастурига айланди. Ушбу стратегияда алоҳида белгиланган “Адолат қўрғони” устуни доирасида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайдиган, ҳар қандай таъсир, босим ва ноқонуний аралашувлардан холи, чинакам мустақил одил судлов тизимини бунёд этиш бош мақсад қилиб белгиланди. Шундай экан, бугунги тараққиёт босқичида суд мустақиллигига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг асосий ҳамда бош конституциявий кафолати сифатида қараш лозим.”*

Мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўймоқда экан, келгуси ўн йиллик суд ҳокимиятининг институционал салоҳияти ва мустақиллигини изчил ривожлантиришни талаб қилади. Бунда судьяларнинг касбий ва шахсий дахлсизлигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш, судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва институционал масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, чинакам халқчил ва адолатли суд ҳокимияти мустақил фикрлайдиган, юксак касбий ҳамда ахлоқий салоҳиятга эга, очиқлик ва масъулият асосида фаолият юритадиган судьялар корпусидан иборат.

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ишонч ҳам юксалади. Бу, айниқса, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда яққол намоён бўлади.

Тадбиркор ўз мулки дахлсизлигига, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишига ҳамда низо юзага келган тақдирда унинг ҳуқуқлари мустақил ва холис суд томонидан самарали ҳимояланишига ишонч ҳосил қилгандагина узоқ муддатли режалар тузади, инвестиция киритади ҳамда иш ўринлари яратади. Шунинг учун суд ҳимоясининг самарадорлиги нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий муҳитнинг барқарорлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мезони судга мурожаатнинг осонлиги ёки суд жараёнининг тезлиги билан чекланиб қолмаслиги керак. Энг муҳими, инсон ҳамда тадбиркор ўз ҳуқуқи бузилганида уни тиклашнинг аниқ ва самарали механизми мавжудлигини ҳис этиши, суд қарорининг қонуний, адолатли ва асослантирилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Айни мақсад “Одил судлов — 2030” стратегиясининг мазмунида ҳам ўз ифодасини топган. Унда одил судлов натижаси, аввало, фуқаронинг судга ортиқча оворагарчиликсиз мурожаат қила олиши, бузилган ҳуқуқининг ўз вақтида тикланиши ва чиқарилган қарорнинг адолатли эканига ишонч ҳосил қилиши билан боғланган.

Демак, келгуси даврда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг марказида процессуал механизмларни такомиллаштириш билан бир қаторда суд ҳимоясининг реал самарадорлигини ошириш, давлат органлари қарорлари устидан суд назоратини кучайтириш, ҳуқуқларни тиклашнинг амалий имкониятларини кенгайтириш ва суд қарорларининг ижросини таъминлаш каби масалалар туриши лозим.

Қонунга ҳурмат ҳуқуқий маданиятдан бошланади ва инсоннинг кундалик ҳаётида шаклланади. Шунинг учун Президентимиз томонидан ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаш вазифасининг белгиланиши бешинчи миллий дастурнинг узоқ муддатли ҳамда стратегик аҳамиятини кўрсатади.

Ҳуқуқий таълимнинг асосий мақсади болага қонун моддаларини ёдлатиш эмас, балки унда ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонун асосида қарор чиқариш ҳамда низоларни ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш кўникмасини шакллантиришдан иборат бўлиши керак.

Шу нуқтаи назардан, мактабларда ҳуқуқий билимларни ҳаётий вазиятлар билан боғлаган ҳолда ўқитиш, ўқувчиларга ўз ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятларини ҳам тушунтириш, суд жараёни, шартнома, мулк ҳуқуқи, меҳнат муносабатлари ва интернетдаги хавфсизлик каби масалаларни амалий мисоллар асосида ўргатиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий олий таълим муассасаларида юридик клиникалар фаолиятини кенгайтириш, аҳоли учун судда ва тушунарли тилда ҳуқуқий маслаҳат бериш амалиётининг қамровини ошириш ҳамда тушунтириш материалларини кўпайтириш ҳам ушбу жараённинг узвий қисми ҳисобланади. Бундай ёндашув қонун устуворлигини ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида намоён бўладиган ижтимоий қадрият сифатида қарор топтиришга хизмат қилади.

Янги таҳдидларга нисбатан замонавий ёндашув

Бугунги таҳликали замоннинг шахдам рақамлаштириш жараёнлари ҳамда янги қиёфа касб этаётган глобаллашув шароити кибержиноятчилик, электрон тўловлар билан боғлиқ фирибгарлик, шахсий маълумотларни ноқонуний эгаллаш, одам савдоси ҳамда гиёҳвандлик каби жиноятларнинг олдини олишда янги ёндашувларни тақозо қилмоқда.

Бунда суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг самарали фаолияти билан бир қаторда, аҳолининг ҳуқуқий ҳамда рақамли саводхонлигини ошириш, хавфларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, замонавий рақамли далиллар билан ишлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила, таълим муассасалари, маҳалла ҳамда тегишли давлат органларининг ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилиши зарур.

Одам савдосига қарши курашда эса фуқароларни меҳнат миграциясига чиқишдан олдин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномавий муносабатлар ҳамда хорижда ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланиш имкониятлари ҳақида хабардор қилиш каби профилактик чораларни кучайтириш бундай иллатларнинг олдини олишда ўз самарасини бериши мумкин. Гиёҳвандликка қарши курашиш ҳам мамлакатимиздаги асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада наркотикларнинг ноқонуний айланмаси ҳамда наркожиноятларга қарши кескин чоралар билан биргаликда муаммонинг илдизларини бартараф этишга қаратилган профилактика ишларини кучайтириш ҳам алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистоннинг Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва наркотиклар тарқалишининг олдини олишга қаратилган БМТнинг Гиёҳвандлик моддалари ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармасининг “CHAMPS” ташаббусига қўшилгани мазкур йўналишда муҳим қадам бўлди.

Ўз навбатида, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳам қонун устуворлигининг муҳим кўрсаткичидир. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларга нисбатан самарали ҳуқуқий таъсир чоралари билан бирга, жабрланган шахсларни муҳофаза этиш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш ва такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ёндашувни кучайтириш лозим.

Шу маънода, Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг асосий мақсади ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда қонунга ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд мустақиллиги ҳуқуқнинг амалда ҳимоя қилиниши учун зарур институционал кафолат, қонун устуворлиги эса давлат ва жамият ҳаётида барқарор қоидаларнинг таъминланишини кафолатловчи асосдир. Ҳуқуқий маданият ушбу қадриятлар инсонларнинг онгига уқтирилишини таъминлайди. Уларнинг ўзаро уйғунлиги натижасида шахс, давлат ҳамда жамият ўртасида ишонч мустаҳкамланади.

Шу боис келгуси ўн йилликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси янги қонунлар ва институтларнинг инсон ҳаётида қандай натижа бераётгани билан баҳоланади. Зеро, “Суд мустақиллиги — адолат кафолати” деган эзгу ғоя Янги Ўзбекистоннинг истиқболдаги миллий юксалиш даврида нафақат суд тизимининг, балки бутун давлат ҳамда жамият ривожининг муҳим дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

Робахон МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси.

«ОЛДИНДА БИЗНИ УЛКАН ЗАФАРЛАР КУТИБ ТУРИБДИ»

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Нукус шаҳридаги “Coals KS” корхонаси фаолияти билан яқиндан танишганидан хабардорсиз. Унда янги инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд қувватларни модернизациялаш эвазига кенгайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари очиш борасида олиб борилаётган дастур тақдимоти ҳам бўлиб ўтган эди.

Интилиш

Ўшанда давлатимиз раҳбари Анвар Шукуровнинг кенг тармоқли тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, кўплаб муҳим инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб келаётганини алоҳида эътироф этиб, уни фахрий унвон билан тақдирлаш ҳақида айтиб ўтганди.

Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони қабул қилиниб, “Қорақалпоқ цемент” МЧЖ таъсисчиси Анвар Шукуровга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор” фахрий унвони берилди. Мазкур юксак мукофотни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оринбаев тантанали равишда топширди.

— Президентимизнинг корхонамизга ташрифи бизга катта куч-қувват берди ва касбимизга бўлган ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор Анвар Шукуров. — Мулоқот чоғида корхонада амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш қувватлари, янги инвестиция лойиҳалари ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида фикрлашдик. Президентимиз иш жараёнига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қизиқиш билдириб, корхонани келгусида янада ривожлантириш бўйича қимматли тавсиялар берди. Эндиликда олдимизда турган асосий вазифа — ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, маҳсулотлар тури ва сифатини яхшилаш, янги технологияларни жорий этиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш. Олдинда ҳали бизни катта зафарлар кутиб турибди.



Айни пайтда “Coals KS” корхонасида газоблок ва оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Газоблок ишлаб чиқариш қуввати йилига 300 минг куб метр, оҳак ишлаб чиқариш қуввати эса 165 минг тоннани ташкил этади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ва маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш орқали янги иш ўринлари яратиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Корхона бугунги натижалар билан чекланиб қолмаяпти. Ҳозир янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилишга қаратилган қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Хусусан, умумий қиймати 38 млн. доллар бўлган тўртта янги лойиҳа — ўғит, кальций, чорва озуқаси ишлаб чиқариш заводлари ҳамда махсус цемент тайёрлаш заводи бўйича қурилиш ишлари бошланган. Бу лойиҳалар доирасида 590 та иш ўрни яратилади.

Шунингдек, корхона фаолиятининг истиқболли йўналишлари ҳам кенг. Когенерация мажмуаси, иссиқхона ва қуёш фотоэлектр мажмуалари, биг-бэг қоплар, фиброцемент плиталар ҳамда шиша кристолит ишлаб чиқариш заводлари, “А-380” магистраль йўли ёқасида кемпинг мажмуаси ҳамда аёллар ва болалар учун махсус фитнес-соғломлаштириш марказини ташкил этиш кўзда тутилган.



Жорий йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами арафасида ишга туширилган газоблок ишлаб чиқариш корхонасида иш уч сменада ташкил этилган. Ҳар сменада 40 нафар ишчи меҳнат қилади. Олис ҳудудлардан келиб ишлаётганлар учун ётоқхона, транспорт хизмати яратилган, ходимлар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

— Корхонамизда 150 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ва меҳнат миграциясидан қайтиб келган маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этади, — дейди “Coals KS” МЧЖ технологи Азизбек Ўрозбоев. — Ўзим 2023 йилда Қорақалпоқ давлат университетини саноат технологияси йўналиши бўйича тамомлаганман. Мана, янги корхонада ўз мутахассислигим бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиб, билим ва тажрибамни оширишга ҳаракат қиляпман.

Корхонада суткасига 700 — 800 куб метр ҳажмда газоблок ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар Қорақалпоғистондаги буюртмачилардан ташқари қўшни вилоятларга етказиб берилмоқда.

Президентимизнинг корхона фаолиятига алоҳида эътибор қаратиши, янги инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши ва тадбиркор меҳнатининг давлат мукофоти билан эътироф этилиши жамоа зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

15 октябрь — Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Сув хўжалиги вазирлигида «Сув хўжалиги соҳасининг аёли — 2026: Касбим — фахрим» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 14 октябрь







ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАҲАРСОЗЛИК МЕГАЛОЙИҲАСИ

Президентимиз ташриф чоғида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган сармоядор ва тадбиркорлар билан мулоқот қилди.

Уч йил олдин пойдевори қўйилган ушбу глобал шаҳарсозлик ташаббуси доирасида давлат инфратузилма, муҳандислик тармоқлари, йирик стадион, университет ҳамда кутубхона каби ижтимоий-маданий объектларга улкан маблағлар йўналтирди.

Қайд этилганидек, ҳозирга қадар ҳудудга 2 млрд. доллардан зиёд инвестициялар киритилди. Давлатимиз раҳбари бажарилаётган ишлар салмоғини эътироф этиш билан бирга, мавжуд сустлик ҳамда номутаносибликларни ҳам очиқ кўрсатиб ўтди. Хусусан, янги шаҳар учун жами 20 минг гектар ер ажратилган. Биринчи босқичда 6 минг гектарда 50 млрд. долларлик лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Янги халқаро аэропорт барпо этилиши билан ҳудуднинг умумий инвестиция салоҳияти 200 млрд. долларгача етиши мумкин. Айни пайтда эса минг гектардан зиёд майдонда, асосан, давлат маблағлари ҳисобидан қурилиш кетмоқда, хусусий сектор ҳамда тадбиркорларга эса бор-йўғи 94 гектар ер ажратилган холос.

Ваҳоланки, Янги Тошкент фақат янги уй-жой қуриладиган ҳудуд эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу ер замонавий бизнес, таълим, тиббиёт, туризм ва хизмат кўрсатишни ўзига жалб этадиган мустақил иқтисодий марказга айланиши керак. Аммо бугунги кунда ажратилган ерларнинг учдан икки қисми фақат кўп қаватли уй-жойларга тўғри келаётгани иқтисодий экотизим балансини бузмоқда. Шаҳарга юқори даромадли иш ўринлари, хизматлар ва бизнес маконлари ҳам зарур.

Мастер-режа бўйича ёндашув ўзгаради

Халқаро тажрибадан маълумки, инвестор ҳеч қачон кутмайди. У кўмак ва кафолат сезмаса, маблағини бошқа бозорга йўналтиради. Шу сабабли тадбиркорга ер ажратишдан бошлаб, лойиҳани ишга туширишгача бўлган бутун занжир тубдан енгиллаштирилиши айтилди.

Айниқса, мастер-режа бўйича ёндашув ўзгаради. Яъни агар инвестор таклиф этаётган ноёб лойиҳа шаҳар манфаатига хизмат қилса, лот майдони ёки объект турини мослашувчан тарзда ўзгартиришга тўсиқ қўйилмаслиги керак. Ҳужжатлари, концепцияси ҳамда қурилиш рухсатлари олдиндан тайёр бўлгани учун катта қизиқиш уйғотган “Санкт-Петербург” мавзеси тажрибаси асосида барча инвесторларга тайёр лотлар пакетини тақдим этиш тизими йўлга қўйилади.

Янги Тошкентнинг истиқболи порлоқ экани бозорнинг ўзида яққол намоён бўлмоқда. Агар 2024 йилда ҳудудда 1 гектар ернинг ўртача қиймати 10 млрд. сўмга етмаган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 19 млрд. сўмга етди. Йил якунига қадар шаҳарда 20 мингта хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Бу камида 70 минг нафар аҳоли учун янги ҳаёт муҳити яратилади дегани. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудудга аҳоли кўчиб келиши билан бир вақтда улар учун мактаб, боғча ва поликлиникалар, савдо, спорт ҳамда кўнгилочар марказлар, дам олиш боғлари ва умумий овқатланиш тармоқлари тайёр бўлиши шартлигини айтди.

Ҳудудда халқаро ФИФА талабларига тўлиқ жавоб берадиган 55 минг ўринли муҳташам стадион барпо этилмоқда. У келаси йили 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг марказий ареналаридан бирига айланади. Минглаб хорижий меҳмонлар ва мухлислар ташрифини инобатга олган ҳолда арена атрофида меҳмонхоналар, ресторан ҳамда кафелар тармоғини барпо этиш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилиб, тадбиркорларга очиқ ва шаффоф танлов асосида тақдим этилади.

Яна бир янгилик — шаҳарнинг ишбилармонлик ҳамда маъмурий фаоллигини шакллантиришда давлат идоралари етакчи бўлади. Айни пайтда бир нечта вазирликлар ҳудуддаги ихчам биноларда ўз фаолиятини бошлади, 2,6 минг ходимга мўлжалланган яна 9 та бино қад ростлаяпти. Қолган вазирлик ва давлат ташкилотлари ҳам Янги Тошкентга босқичма-босқич кўчирилади.

Янги Тошкент лойиҳаси мамлакатимизнинг бош шаҳарсозлик мегалойиҳаси бўлиши билан бирга миллий ва халқаро капитал учун Марказий Осиёдаги энг жозибадор иқтисодий экотизимга айланаётгани ҳам эътиборга молик. Илгари сурилган ташаббуслар эса фақатгина шаҳарсозлик режалари эмас, балки ҳар бир инсоннинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган амалий қадамлардир. Инфратузилма тўловларининг кескин камайтирилиши, тадбиркорлар учун бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳамда “Swiss challenge” тизимининг жорий этилиши ва бошқа чора-тадбирлар фикримизнинг яққол тасдиғи.

Хўш, “Swiss challenge” тизими нима



ўзи? Бугунги кунга қадар сотилган 54 та лотдан атиги учтасида лойиҳа қиймати 100 млн. доллардан ошади. Шаҳарга эса унинг халқаро қиёфасини белгилаб берувчи ноёб, йирик тижорат объектлари, бетакрор меъморий мажмуалар ҳамда осмонўпар бизнес марказлари керак. Бу борада шаффофлик ва рақобатни таъминлаш мақсадида илғор халқаро тажриба — очиқ ташаббус ҳамда “Swiss challenge” тамойили жорий этилмоқда.

Бунда инвестор ўз ғоясини очиқ тақдим этади ва лойиҳа оммавий эълон қилинади. Агар белгиланган муддатда бошқа даъвогарлар бундан яхшироқ ва фойдалироқ шарт таклиф этмаса, ер майдони тўғридан-тўғри биринчи ташаббускорга ажратилади. Шунингдек, дунёнинг етакчи архитекторлари томонидан ишлаб чиқилган эксклюзив лойиҳалар учун “яшил йўлак” очилади. Лойиҳалашдан тортиб фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнлар соддалаштирилиб, бир хил ҳужжатни қайта-қайта талаб қилишга чек қўйилади.

Ҳудудий интеграция механизми

Таъкидлаш жоизки, кўп қаватли тураржой қуриш билан шаҳар аҳолисига хизмат қиладиган меҳмонхона, савдо маркази ёки маданий иншоот барпо этишнинг иқтисодий харажати ва қайта қопланиш муддати бир хил эмас. Бу муҳим ҳаётий фарқни инобатга олган ҳолда Президентимиз инфратузилма тўловларининг базавий ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқди. Маданий ва кўнгилочар масканлар учун тўловлар 10 баробар, меҳмонхона ва туризм объектлари учун 5 карра, савдо, сервис ва бизнес марказлари учун 3 баробар камайтирилади, хусусий боғча, мактаб ва тиббиёт масканлари учун рамзий маънода атиги 1 фоиз этиб белгиланади. Энг муҳими, ушбу енгилликлар нафақат янги, балки қурилиши бошлаб юборилган лойиҳаларга ҳам татбиқ этилади.

Қиймати 50 млн. доллардан ошадиган стратегик инвесторлар билан ишлашда ҳамроҳлик тизими йўлга қўйилади. Ҳар бир йирик лойиҳага муайян давлат масъули бириктирилиб, у объект тўлиқ ишга тушгунга қадар юзага келадиган ҳар қандай муаммони жойида бартараф этади. Инвесторнинг мажбуриятларига мос равишда индивидуал имтиёзлар ва кафолатлар пакети ҳукумат билан тузиладиган алоҳида битимда мустаҳкамланади.

Янги пойтахт имкониятлари фақат марказ тадбиркорлари билан чекланиб қолмаслиги зарур. Бутун мамлакат ишбилармонларини ушбу мегалойиҳага бирлаштириш мақсадида мутлақо янги ҳудудий интеграция механизми жорий этилди. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига 100 гектардан ер бириктирилди. Республиканинг қолган 13 та маъмурий ҳудудига ҳам 100 гектардан ер ажратилди. Ва бу ерлар бўйича ўтказиладиган биринчи аукционларда фақат ўша ҳудуднинг маҳаллий тадбиркорлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур ҳудудларга жалб қилинган барча инвестиция ҳамда яратилган иш ўринлари бевосита ўша вилоят ёки туманнинг иқтисодий кўрсаткичида ҳисобга олинади. Бу вилоятлардаги капитални кенгайтириш ва ҳудудий тадбиркорларнинг пойтахт мегабозорида ўз марраларини эгаллаши учун бебаҳо имкониятдир.

> ***“Янги Тошкент лойиҳаси мамлакатимизнинг бош шаҳарсозлик мегалойиҳаси бўлиши билан бирга миллий ва халқаро капитал учун Марказий Осиёдаги энг жозибадор иқтисодий экотизимга айланаётгани ҳам эътиборга молик. Илгари сурилган ташаббуслар эса фақатгина шаҳарсозлик режалари эмас, балки ҳар бир инсоннинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган амалий қадамлардир. Инфратузилма тўловларининг кескин камайтирилиши, тадбиркорлар учун бюрократик тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳамда “Swiss challenge” тизимининг жорий этилиши ва бошқа чора-тадбирлар фикримизнинг яққол тасдиғи.”***

Янги Тошкент бугун халқаро сармоядорлар диққат марказида. Шу боис чет эллик йирик компаниялар учун дастлабки 50 та энг жозибадор лот ажратилди. Лойиҳавий ҳисоб-китоблар, инфратузилма қулайликлари ва берилаётган кафолатларни ўз ичига олган тайёр инвестиция пакетлари мамлакатимизнинг хориждаги барча элчихоналарига тарқатилади. Ҳукумат аъзолари, вазирлар ҳамда дипломатларга чет эллик ҳамкорлар билан ҳар бир мулоқотда ҳудуд салоҳиятини фаол тақдимот қилиш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш вазифаси юкланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ана шундай тарихий қарорлар Янги Тошкентни бюрократик тўсиқлардан холи, сармоя хавфсизлиги кафолатланган ва юқори фойда келтирувчи халқаро бизнес хабига айлантирмоқда. Солиқ ҳамда инфратузилмавий тўловларнинг камайтирилиши, шаффоф ташаббусларнинг рағбатлантирилиши ва барча ҳудудларнинг ягона майдонга жалб этилиши Янги Тошкентни мамлакатимиз иқтисодиётининг қудратли локомотивига айлантириши шубҳасиз.

Яқин келажакда иқтисодий ривожланиш модели

Президентимизнинг Янги Тошкентда инвестор ва тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти қурилиш ёки шаҳарсозлик масалалари билан чегараланиб қолгани йўқ. Бу учрашув мамлакатимизнинг яқин келажакдаги иқтисодий ривожланиш моделини, давлат ва хусусий капитал ўртасидаги ишонч пойдеворини ҳамда Янги Ўзбекистоннинг замонавий сармоявий мафкурасини белгилаб берган концептуал воқелик бўлди. Давлатимиз раҳбари инвесторларга яратилаётган шароитлар қоғозда эмас, реал ҳаётда ишлаши шартлигини қатъий таъкидлаб, соҳадаги эскирган қарашларни парчалаб ташлайдиган муҳим ғояларни илгари сурди.

Учрашувнинг энг таъсирли жиҳати, давлатимиз раҳбарининг сармоядорларни “хорижлик” ва “маҳаллий” деб тоифаларга ажратишга билдирган муносабати бўлди: “Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ”, деди Президентимиз. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодиёти учун мутлақо янги миллий ғоя — “ЎЗ” фалсафасини эълон қилди. Ушбу қисқа, аммо сермазмун сўз замирида тўртта улкан таянч тушунча мужассам.

Биринчиси, Ўзбекистон — барчамизнинг муштарак тараққиёт маконимиз.

Иккинчиси, ўзгариш — ортга қайтмас ислоҳотлар ва янгиланишлар шиддати.

Учинчиси, ўзлик — миллий ғурур ва замонавий бунёдкорлик уйғунлиги.

Тўртинчиси, масъулият — давлат ва инвесторнинг келажак олдидаги жавобгарлиги.


Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кимки юртимизга сармоя киритиб, замонавий технология олиб келса ва одамларга иш ўрни яратса, қайси мамлакат ёки шаҳардан келганидан қатъи назар, умумий тараққиётга ҳисса қўшади. Кимки Янги Тошкентни ёки Ширинни биз билан бирга қурса, демак, у тўлақонли ўзимизники. Энг асосийси, давлатимиз раҳбари ҳар бир сармоядорнинг мулки, ҳуқуқи ҳамда бизнеси қонун, давлат ва шахсан Президентнинг қатъий ҳимоясида бўлишини яна бир бор кафолатлади.

Мулоқотда тадбиркорлар томонидан кўтарилган ҳар бир муаммо ва таклиф бўйича тез кунларда Президентимиз қарори қабул қилиниши белгиланди.

Янги Тошкент — миллий иқтисодиётимизнинг янгилаш двигатели, миллатнинг янги ўзлиги ва келажак авлодларга қолдириладиган буюк мерос. Шу боис учрашув якунида давлатимиз раҳбари барча сармоядор ҳамда ишбилармонларни янги миллий мақсад ва даъват атрофида бирлашишга чақирди. “Ўз ғоянг! Ўз сармоянг! Ўз келажагинг! Янги Ўзбекистон, Янги Тошкент — ўзимизники!” деган эзгу шиор ҳар бир юртдошимизнинг, фидойи инвестор ҳамда шижоатли тадбиркорларнинг юрак амрига, эртанги кунга мустаҳкам ишончи ифодасига айланиши кераклигини уқтиради. Зеро, бугун амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Ватанимизни янада юксак тараққиёт марраларига етаклаши муқаррар.

Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.





ЗАМОНАВИЙ БУНЁДКОРЛИК НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбарининг Янги Тошкентда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиб, инвесторлар билан ўтказган самимий мулоқоти мамлакатимизда шаҳарсозликка ёндашув янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Ҳудудда шу пайтгача 2 млрд. доллардан ортиқ инвестиция ўзлаштирилгани, умумий қиймати 1 млрд. долларлик еттита объект фойдаланишга топширилгани ҳамда яна 2,5 млрд. долларлик ўнта йирик лойиҳа қурилишига старт берилгани мазкур жараённинг кўлами нақадар кенглигини акс эттираётир. Айниқса, замонавий энергия тизимлари, муҳандислик тармоқлари, яшил ҳудудлар, таълим муассасалари ва транспорт инфратузилмасининг барпо этилиши янги шаҳарнинг узоқ муддатли ривожланиши учун асос яратади.

Мазкур лойиҳанинг энг муҳим жиҳатларидан бири — иқтисодий ўсиш билан инсонлар учун қулай яшаш муҳитини ўзаро уйғунлаштиришга интилиш билан боғлиқ. Янги Тошкентда 2 минг гектар яшил майдон ҳамда 500 гектар истироҳат боғларини ташкил этиш, чиқиндилардан электр энергияси олиш, қуёш панелларидан фойдаланиш каби ташаббуслар шаҳар ривожида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ёндашувда қурилиш ҳажмидан ташқари, яратилаётган муҳитнинг сифати, экологик барқарорлиги ва аҳолига қулайлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.



Президентимизнинг инвесторлар билан мулоқотида хусусий сектор фаоллигини ошириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини соддалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу жуда муҳим. Нега деганда, йирик шаҳарни барпо этишда давлат инфратузилмани яратиб бериши билан бирга, хусусий инвестициялар учун ҳам аниқ ҳамда барқарор шароитлар шакллантирилиши зарур. Ер ажратиш, рухсат олиш ва лойиҳаларни ишга тушириш жараёнларининг шаффофлиги инвесторларга ишонч беради, соғлом рақобатни кучайтириб, иқтисодий фаолликни оширади.

Эътиборлиси, хизмат кўрсатиш, туризм, бизнес марказлари, хусусий мактаб, боғча ва шифохоналар учун инфратузилма тўловларини камайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган. Бу имкониятлар амалда янги корхоналар ташкил этилиши, иш ўринлари кўпайиши ҳамда аҳолининг сифатли хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайишига замин яратади.

Янги Тошкент иқтисодий имкониятларидан пойтахт тадбиркорлари билан бирга, юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги ишбилармонлар ҳам фойдаланиши кўзда тутилмоқда. Бу тенглик, шаффофликнинг бир кўриниши, албатта. Ҳудудлар тадбиркорларига ер майдонлари ажратилиши бўйича белгиланган ёндашув ҳудудлараро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва инвестиция фаоллигини мамлакат бўйлаб рағбатлантириш нуқтаи назаридан ҳам ғоятда аҳамиятли.

Биз, халқ вакиллари ушбу жараёнларда қонунчиликни такомиллаштириш, инвесторларга яратилган имкониятлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чоралари ва шаҳарсозлик талаблари ўзаро уйғун ишлашини таъминлашимиз зарур. Шу билан бирга қурилиш сифати, экологик талаблар, транспорт қулайлиги, ижтимоий инфратузилма ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари ҳам доимий эътиборда бўлади.

Янги Тошкентнинг жозибадорлиги бу ерда қанча янги иш ўрни очилгани, аҳоли учун қандай шароитлар яратилгани ва тадбиркорларга қанчалик қулай иқтисодий муҳит юзага келгани билан баҳоланади. Шу маънода, бугун бошланган лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик маданияти ҳамда янги иқтисодий марказларни ривожлантириш учун муҳим тажриба бўлиб хизмат қилади.

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида маиший чиқиндиларни экологик хавфсиз қайта ишлаш, улардан самарали фойдаланиш ва муқобил энергия ишлаб чиқаришга қаратилган инновацион лойиҳа амалга оширилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:
ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА ҲАЁТБАХШ НАТИЖАЛАР

Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунё бўйича 645 миллиондан ортиқ одамлар очликдан азият чекмоқда. Халқаро экспертлар агар тезкор ва тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, бу рақам 2028 йилга бориб 1 миллиардга етиш эҳтимоли катта эканидан огоҳлантиряпти. Чунки иқлим ўзгариши, қурғоқчиликнинг тез-тез такрорланиши, сув танқислиги каби экологик муаммолар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатаётган бўлса, транспорт-логистика занжиридаги узилишлар озиқ-овқат ва истеъмол товарларининг нархи ошишига олиб келмоқда. Ушбу кўп қиррали масалани ҳал этиш, муаммо таъсирларини юмшатиш давлатлар, олимлар ва халқаро ташкилотлар яқин ҳамкорликда, ўзаро бирдамликда чора-тадбирлар кўришини тақозо этади.

Юксалиш одимлари

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 7-8 октябрь кунлари бўлиб ўтган Халқаро пахта куни ҳамда Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланган халқаро анжуманлар ана шундай мақсадга қаратилгани туфайли жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланиб, катта акс садо берди. Мазкур йирик форумларда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан таниқли олим ва экспертлар, тадбиркорлар, шунингдек, кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдики, бу пойтахтимиз халқаро аграр мулоқотлар марказига айланганининг ёрқин исботи бўлди.

«Agricola» — эзгу ташаббуслар эътирофи

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш, айни пайтда экспорт ҳажмини ошириб бориш, шунингдек, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу боис ислоҳотларнинг янги даврида, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳаси диверсификация қилинди, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилди. Натижада ер ва сув чекланган бир шароитда табиий ва моддий ресурслар тежалган ҳолда, баракали ҳосил олинмоқда. Буни Миллий статистика қўмитаси маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, 2025 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 538,9 триллион сўмни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 4,4 фоиз ўсди. Айниқса, пахта, полиз экинлари, дон маҳсулотлари етиштиришда юқори ўсиш суръатлари таъминлангани алоҳида эътиборга молик.

Соҳадаги ушбу ютуқлар билан чекланиб қолинмасдан янада катта марралар олинмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2030 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар, экспорт ва қўшилган қийматни 3 карра ошириш режалаштирилган. Бунга эришиш учун халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик кучайтириляпти.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 6 октябрь куни БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) бош директори Цюй Дунъюйни қабул қилди. Мулоқотда Ўзбекистон билан БМТнинг мазкур нуфузли тузилмаси ўртасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича стратегик шериклikни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Сўнгги йилларда янги беш йиллик дастур қабул қилингани, 27 та қўшма лойиҳа фаол босқичга киргани амалий шериклик доираси кенгайиб бораётганини яққол кўрсатиб турибди. Истиқболда янги ҳамкорлик дастурини самарали амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, иқлим молияси маблағларини жалб қилиш, тажриба алмашиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш каби йўналишларда истиқболли қўшма лойиҳалар портфелини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг қувонарлиси, Цюй Дунъюй Юртбошимизга FAOнинг олий мукофоти — “Agricola” медалини топширди. 1977 йилда таъсис этилган ушбу медаль очликка барҳам бериш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби умуминсоний мақсадларга эришиш йўлида фидойилик кўрсатган ҳамда ҳаётий чораларни амалга оширган атоқли арбобларга берилади. Шу маънода бу эътироф Ўзбекистон Республикаси Президентининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш бўйича эзгу ташаббуслари ҳамда эришган ютуқлари халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганининг амалий тасдиғи бўлди.

Форумларда Халқаро пахта маслаҳат қўмитаси (ICAC) ижрочи директори Эрик Б. Трахтенберг, Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) бош директори ўринбосари Жан-Мари Погам Президент Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалигидаги ҳаётий ислоҳотларини юқори баҳолар экан, пахтачиликда мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилганини олқишлади, қисқа даврда пахта хомашёсини экспорт қилувчидан уни чуқур қайта ишлаб, ташқи бозорда тайёр ва яримтайёр маҳсулот чиқараётган давлатга айланганини оқилона иқтисодий сиёсат самараси, деб атади.





Буюк халқ, буюк тарих, буюк уйғониш

Пойтахтимизда ICAC ҳамда FAO билан ҳамкорликда ташкил этилган нуфузли халқаро анжуманлар нафақат агроозиқ-овқат саноатидаги ютуқлар, балки юртимизнинг бой тарихи, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мевасини яна бир бор намоён қилишга қулай имконият яратди. Бу ерда гап форум иштирокчилари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, ҳайрат ва ҳавас оғушига тушиб қолгани ҳақида кетмоқда.

FAO бош директори Цюй Дунъюй бошчилигидаги делегация давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд этилган ушбу марказга ташрифи чоғида Исломдан аввалги давр цивилизациялар бўлимидаги Буюк Ипак йўли экспозицияси билан яқиндан танишар экан, пахтачиликка бағишланган инсталляция меҳмонлар эътиборини тортди. Сабаби унда пахта Ҳиндистон орқали Марказий Осиёга, кейинчалик эса Хитойга кириб боргани ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бир қарашда оддий қишлоқ хўжалиги экини тарихидек кўринган бу воқелик ортида қадимий савдо йўллари ва цивилизациялар ўртасидаги узвий боғлиқлик мужассам.

Ташриф якунида Цюй Дунъюй жаноблари “Фахрий меҳмонлар” китобига Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини баённлар экан, жумладан, шундай сўзларни ёзиб қолдирди: “Ўзбекистонга ҳурмат бажо келтираман! Буюк халқ, буюк тарих, буюк цивилизация, дунёнинг гавҳари, буюк уйғониш!” Халқаро пахта маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Эрик Б. Трахтенберг эса марказ экспозицияларида Ўзбекистон тарихининг жаҳон цивилизациялари билан муштарак жиҳатлари катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

FAO бош директорининг Тошкент давлат аграр университетига ташрифи муҳим тадбирлардан бири бўлди. Унда аграр таълим ва илм-фанни ривожлантириш, замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларига мослашиш ҳамда аграр соҳа истиқболида ёш мутахассисларнинг ўрни юзасидан фикр алмашилди. БМТнинг мазкур ташкилоти билан ҳамкорликни ривожлантиришга оид таклифлар билдирилди.

Цюй Дунъюй университет ҳудудида кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, ниҳол қадагани замирида ҳам рамзий маъно бор. Кўчат кун сайин чуқур илдиз отиб, кўкка бўй чўзгани каби ҳамкорлик алоқаларимиз ҳам тобора мустаҳкамланиб, янада кенгайиб бораверади.

Илм-фан — тараққиёт калити

Президентимиз Халқаро пахта куни ҳамда Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланган халқаро анжуманлар иштирокчиларига йўллаган табригида айтилганидек, ўзбек деҳқонлари пахтачилик бўйича улкан тажрибага эга. Кейинги йилларда амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз туфайли бу соҳа янги босқичга кўтарилди. Изланувчан олимларимиз томонидан ғўзанинг 300 га яқин эртапишар навлари яратилди. Пахта экиш, парваришлаш, йиғиб олиш жараёни тўлиқ механизациялаштирилди. Бугунги кунда замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига деҳқон-фермерларимиз гектаридан 100 центнергача пахта ҳосили олмоқда.

Пахтачиликда янги навларни яратиш, етиштириш агротехнологияси, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ошириш, ҳосилдорлик ҳамда тола сифатини яхшилаш илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидир. Айниқса, сув танқислиги шароитида кам ресурс талаб қиладиган, юқори ҳосилдор ва стресс омилларига чидамли навларни яратиш тармоқ келажагини белгилаб беради. Бу жараёнда селекция, генетика ва биотехнология соҳаларидаги илмий изланишларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг илмий салоҳияти, замонавий технологиялар ва ишлаб чиқариш имкониятларини бирлаштириш орқали рақобатбардош, ресурстежамкор ва барқарор пахтачилик тизимини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан илгари сурилган юқори ҳосилдорликка эришишнинг 8 та асосий қоидаси айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, 2026 йилда пахтачиликда “Устоз — шогирд” анъанасини ўзида жамлаган “Янги агроном” тизими йўлга қўйилгани илмий тавсияларни амалиётга татбиқ этиш ва юқори ҳосил олаётган хўжаликлар тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Университетимизда “Янги агроном” тизими доирасида 100 нафар талаба Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги илғор кластер ва фермер хўжаликларига бириктирилди. Жорий ўқув йилидан 10 та таълим йўналишининг 300 нафар талабаси трактор-чи-машинист дастури бўйича ўқитилиб, уларга “А”, “В”, “С”, “D” тоифадаги гувоҳномалар бериш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда Куйи Чирчиқ, Оққўрғон, Оқолтин, Арнасой ва Мирзачўл каби туманларда агромуҳандислик ва агротехнологиялар факультетининг 100 нафардан ортиқ талабалари пахта териш машиналарига механизатор ёрдамчиси сифатида бириктирилиб, дуал таълим асосида ўқиб, меҳнат қиляптики, бу аграр соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тобора чуқурлашиб бораётганидан далолат беради.

Халқаро пахта куни ҳамда Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатларнинг аграр ва озиқ-овқат тизимларини ривожлантиришга бағишланган форумларнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг аграр илм-фан, инновация ва халқаро ҳамкорлик бўйича очиқ мулоқот майдони сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганини намоён этмоқда. Бу эса юртимизни жаҳонга ишончли ҳамкор сифатида янада кенгроқ танитиб, инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси пахтачилик соҳасини барқарор ва инновацион ривожлантириш, юртимизнинг аграр ва озиқ-овқат тизимларини такомиллаштириш йўлида ўзининг илмий салоҳияти, билим ва тажрибасини бундан кейин ҳам тўлиқ сафарбар этаверади.

Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги мамлакатимиз тарихида муҳим сиёсий-ижтимоий воқеа сифатида кенг нишонланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлишини таъкидлади.

Мушоҳада

Сўнгги йилларда “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилиб, одамлар манфаатларини таъминлаш, унинг дардига қулоқ тутиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифага айланди. Бу ғоянинг муҳим шарти — қонун устуворлиги, адолат ва давлат органларининг халқ олдидаги масъулиятини таъминлашга қаратилган. Янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси инсон қадр-қимматини юксалтириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқий пойдевор сифатида белгиланган.

Янги Ўзбекистонда фуқаронинг миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеи ёки жамиятдаги ўрнидан қатъи назар, унинг қадрини ҳурмат қилиш, ҳуқуқларини таъминлаш ва муносиб шароит яратиш долзарб вазифа ҳисобланади. Кўп миллатли халқимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш ҳам бу ҳуқуқлар ижобатининг муҳим кўринишларидан биридир.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон қадри ва ҳуқуқларининг олий қадрият сифатида белгиланиши Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий, демократик ва ижтимоий давлат сифатида ривожланишининг муҳим асосидир. Одамларнинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг мазмунини белгилаб, жамиятда адолат, тенглик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлайди.



Конституциянинг 60-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган. Демак, одамларнинг ҳурматини жойига қўйиш, улуғлаш нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг маънавий-ахлоқий бурчидир.

Ўзбекистонда бу ғоя замонавий ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг марказий категорияларидан бири сифатида шаклланиб бормоқда. Илмий нуқтаи назардан қараганда, мазкур тушунча ҳар бир шахснинг туғма, ажралмас ва универсал қийматига асосланган бўлиб, у одамларнинг биологик мавжудот эмас, балки ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий субъект сифатидаги моҳиятини ифода этади.

Давлат ва жамият муносабатларида аҳоли манфаатларининг устуворлиги принципи конституциявий нормалар ва ҳуқуқий механизмлар орқали таъминланади. Илмий таҳлил шуни кўрсатадики, инсон қадрини амалга ошириш фақат декларатив баёнотлар билан чекланиб қолмай, балки қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши каби омиллар орқали мустаҳкамланади. Бу ерда мантиқий занжир қуйидагича шаклланади: инсон қадри тан олиниши — ҳуқуқий кафолатлар яратилиши — амалий механизмларнинг ишлаши — ижтимоий адолатнинг таъминланиши. Шу нуқтаи назардан, бу ғоя давлат бошқарувининг мақсади ва мезонига айланади.

Таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги ислоҳотлар бу ғояни амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган. Илмий жиҳатдан бу жараён инсон капитали назарияси билан боғлиқ бўлиб, унга инвестиция киритиш орқали жамиятнинг умумий самарадорлиги ошиши исботланган. Мантиқий таҳлил шуни кўрсатадики, одамнинг билим ва салоҳияти қанчалик юқори бўлса, у яратадиган иқтисодий ва ижтимоий қиймат ҳам шунчалик ортиб боради, бу эса, ўз навбатида, жамият тараққиётини тезлаштиради. Демак, инсон қадрига эътибор бериш, бу нафақат ахлоқий талаб, балки рационал иқтисодий стратегия ҳамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда инсон қадри концепцияси замонавий давлат бошқаруви ва жамият тараққиётининг марказий ғояси сифатида шаклланди. Илмий нуқтаи назардан мазкур ёндашув инсонни ижтимоий тизимнинг асосий субъекти ва олий қадрияти сифатида тан олишга асосланади. Бу ерда мазкур тушунчага фақат ахлоқий категория сифатида эмас, балки ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал тизимларнинг ҳаракатлантирувчи тамойили ўлароқ қаралади. Мантиқий жиҳатдан, агар давлат сиёсатининг марказида одамлар манфаатлари турса, барча ислоҳотлар унинг ҳаёти сифатини оширишга хизмат қилиши шарт деган қонуният келиб чиқади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқлари ва стратегик дастурларида “Инсон қадри учун” деган тамойил изчил равишда такрорланиб, у давлат бошқарувининг янги парадигмасини белгилаб берди. Илмий таҳлил шуни кўрсатадики, бу ёндашув классик бюрократик моделдан одамларга йўналтирилган бошқарув тамойилига ўтишни англатади. Бунда давлат аппаратининг самарадорлиги фуқароларнинг реал эҳтиёж ва манфаатларини қай даражада қондириши билан ўлчанади. Мантиқий занжир қуйидагича ифодаланади: бу ғояни эътироф этиш — давлат сиёсатини инсон манфаатларига мослаштириш — институционал ислоҳотларни амалга ошириш — ижтимоий фаровонликни таъминлаш.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар контекстида одамлар манфаатлари ҳуқуқий механизмлар орқали мустаҳкамланмоқда. Қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ тизимининг модернизацияси, давлат органларининг очиқлиги ва жавобгарлигини ошириш каби чоралар инсон қадрини таъминлашга хизмат қилади. Илмий жиҳатдан бу жараён ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти концепцияларининг ривожланиши билан боғлиқ. Мантиқий таҳлил шуни кўрсатадики, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик ишончли ҳимояланса, жамиятда адолат ва барқарорлик шунчалик мустаҳкамланади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур ғоя ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам ўз аксини топмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби вазифалар одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган. Илмий нуқтаи назардан, бу жараён инсон капитали назарияси билан уйғун бўлиб, унинг салоҳиятини ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Мантиқий жиҳатдан эса аҳолига сармоя киритиш жамиятнинг умумий самарадорлигини оширади ва узоқ муддатли тараққиётни таъминлайди.

Замонавий босқичда Ўзбекистонда мазкур тушунчага давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб қаралмоқда. Бу жараён илмий адабиётларда инсонга йўналтирилган бошқарув модели сифатида таърифланади. Бунда давлат фаолиятининг самарадорлиги уларнинг манфаатларини қай даражада таъминлаётгани билан баҳоланади. Мантиқий жиҳатдан, бу ўзгариш давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги сифат босқичига кўтарилишини англатади, яъни давлатнинг легитимлиги фуқаролар эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу тариқа қадр тушунчаси ижтимоий тизимнинг марказий мезонига айланиб, барча ислоҳотларнинг умумий йўналишини белгилайди.

Мамлакатимизда бу ғоя кўп қиррали илмий тушунча бўлиб, у фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий омиллар уйғунлигида намоён бўлади. Одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириш жамиятнинг барқарор ривожланиши, ижтимоий адолат ва институционал самарадорликнинг асосий шарти ҳисобланади. Зотан, қадр-қиммат олий қадрият сифатида эътироф этилган жамиятда тараққиёт изчил ва мувозанатли кечади ҳамда барча ижтимоий жараёнлар аҳоли манфаатлари билан уйғун ҳолда амалга оширилади.

Азамат МУХТОРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Бандлик

МЕБЕЛЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

Олтинкўл туманидаги Ижтимоят маҳалласи икки йилдан буён камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд ҳисобланади. Бунга эришиш учун дастлаб 540 та хонадон “кўк”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратилиб, ҳар бир оила билан алоҳида иш олиб борилди.



“Маҳалла еттилиги”, аввало, аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратди. Ишсиз фуқаролар касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлганларга кредит олишда кўмак берилди. Мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар кўплиги туфайли мазкур йўналишни ривожлантиришга киришилди. Конвейер усулидан фойдаланилди. Яъни бир уйда мебелнинг асоси тайёрланса, иккинчи уйда безак ишлари бажарилади.

— Маҳалламизда 3,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, 510 та хонадонда мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, кўркам ва сифатли маҳсулотлар мамлакатимиз бўйлаб етказиб берилади, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда, — дейди маҳалла раиси Одилжон Даминов. — Бу тажриба қўшни ҳудудларга ҳам кириб бормоқда. Хўжа, Иттифоқ ва Хонбоғи маҳаллаларидан ёшлар келиб, мебель тайёрлаш сирларини ўрганиб, шу орқали ўз ҳудудида мебелчилик билан шуғулланишга ҳаракат қиляпти.

Бу билан Ижтимоят маҳалласи нафақат мебель ишлаб чиқариш марказига, балки меҳнат, ҳамжиҳатлик ва тадбиркорлик маданияти уйғунлашган, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган ибратли ҳудудга айланди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Сербия пойтахтида ўтказилаётган «Wine Vision by Open Balkan» халқаро кўргазмасида илк бор ўз миллий стенди билан иштирок этмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 14 октябрь

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ИЛҒОР ЁНДАШУВЛАР

Янги Ўзбекистонда инсон қадри, халқ фаровонлиги ва юрт тараққиётига қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом этар экан, тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлаш масаласи муҳимлигича қолаверади. Айниқса, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий жиҳатдан дунё ҳамжамияти билан тобора чуқур интеграциялашаётган, халқаро алоқалар ҳамда ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётган бир шароитда жамиятда барқарорлик ва хавфсиз муҳитни таъминлаш нафақат бугунги тараққиёт, балки келажакдаги юксалишнинг ҳам асосий омилидир. Зеро, тинч, осойишта жойда ислоҳотлар самараси, инсоннинг эркин фаолияти ва жамиятнинг барқарор ривожи учун мустаҳкам замин яратилади.

Таълим

Бугун жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими олдига қўйилаётган вазифалар тобора кенгайиб, соҳада фаолият юритадиган мутахассислардан чуқур ҳуқуқий билимдан ташқари юксак касбий маҳорат, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам талаб этмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети жамоасининг доимий эътибор марказида. Мазкур ўқув даргоҳи олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси сифатида малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш ҳамда соҳада илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида университетимизда нафақат Миллий гвардия ва ички ишлар органлари, балки Қуролли Кучларнинг барча куч тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун 15 та таълим йўналиши ва 8 та мутахассислик бўйича ўқувнинг кундузги, сиртқи ва кечки шаклларида профессионал кадрлар тайёрланди.

Президентимизнинг шу йил 26 августда қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса Жамоат хавфсизлиги университети фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, уни жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида кадрларни мақсадли тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилоти сифатида трансформация қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлди.

Эндиги вазифа фақат кадр тайёрлаш эмас, балки таълим, амалиёт ҳамда илм-фан уйғунлашган жамоат хавфсизлиги бўйича янги профессионал мактабни шакллантиришдан иборатдир.

Эҳтиёжларга мос яхлит тизим

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда натижа, аввало, шу соҳада хизмат қилаётган кадрнинг билими, дунёқараши, касбий маҳорати ва амалий тайёргарлигига боғлиқ. Шу маънода, қарорда кадрлар тайёрлаш масаласига шунчаки таълим жараёни сифатида эмас, балки соҳанинг реал эҳтиёжларига мос, аниқ мақсад ва вазифалар асосида ташкил этиладиган яхлит тизим ўлароқ ёндашилган.



Эътиборли жиҳати шундаки, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Жамоат хавфсизлиги университетида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ва қўриқлаш фаолияти йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш кўлами икки баробарга оширилмоқда. Яъни университетнинг йиллик қабул квотаси кундузги таълим шаклида 600 нафаргача курсант, масофавий ўқувда эса 300 нафаргача тингловчини қамраб олади. Бу рақамларнинг ўзиёқ янги ёндашувнинг моҳиятини яққол намоён этади. Боиси янги тизимда таълим йўналишларининг ўзи ҳам соҳадаги вазифаларга янада яқинлаштириляпти.

Қарорда белгиланган яна бир муҳим жиҳат, бу — кадрларнинг жамиятдаги турли қатламлар билан ишлашга ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратилгани. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича, шунингдек, бозор ҳамда савдо комплексларида фаолият юритадиган профилактика инспекторлари учун мақсадли кадрлар тайёрлаш белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз маҳаллаларида аҳолининг ижтимоий таркиби, яшаш ва фаолият муҳити, мавжуд муаммолар ҳамда хавф омиллари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши профилактика фаолиятида ҳам тор, аниқ йўналтирилган ихтисослашувга бўлган эҳтиёжни кучайтирмоқда. Ўрганишлар натижаси ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича муайян ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида фаолият йўналишлари билан ишлашга мослашган кадрларни тайёрлаш зарурати тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шу боис университетда илгари мавжуд бўлмаган янги таълим йўналишлари асосида профилактика инспекторларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бу замонавий профилактика фаолияти универсал ёндашув билан чекланиб қолмасдан, аҳолининг турли қатламлари ҳамда муайян ижтимоий муҳит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишини англатади. Энг муҳими, таълим жараёнида ижтимоий профилактикани амалга ошириш, процессуал ҳаракатлар, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш, жанговар тайёргарлик, психологик бардошлилик, муомала маданияти, саф бўлинмаларини бошқариш каби амалий компетенциялар шакллантирилади.

Энг муҳим янгиликлардан яна бири таълим ҳамда амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтиришдан иборат бўлиб, бунда дуал таълим механизми орқали курсантларнинг назарий билимлари босқичма-босқич амалий кўникмалар билан бойитиб борилади. Хусусан, биринчи курсда асосий эътибор ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлашга қаратилиб, ўқув жараёнининг 80 фоизи назарий, 20 фоизи амалий машғулотлардан иборат бўлса, иккинчи курсда нисбат 60 фоиз назария ва 40 фоиз амалиёт кўринишига ўзгаради. Учинчи курсда эса назария ва амалиёт тенглашиб, ҳар иккиси 50 фоиздан иборат бўлади. Бу орқали курсантлар университетдаги таълимнинг дастлабки босқичиданоқ касбий фаолият муҳитига босқичма-босқич кириб боради.

Билим, амалий кўникма ва халқаро тажриба уйғунлиги

Бундан икки йил аввал давлатимиз раҳбарининг университетга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида ўқув юртимизда олий ҳарбий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб дуал таълим жорий этилган бўлиб, ҳозирги кунда 600 га яқин курсантлар айнан шу тизим бўйича реал вақт режимида амалий машғулотларда қатнашяпти.

Эндиликда курсантларнинг амалий машғулотлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг тегишли бўлинмаларида ташкил этилади. Битирувчи курсдагилар тегишли соҳавий хизматларда “стажёр-инспектор” сифатида амалиёт ўтайди. Яъни бўлажак мутахассис учун хизмат фаолиятининг реал муҳити билан танишиш ўқишни битиргандан кейин эмас, таълим жараёнининг ўзида бошланади.

Бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, эндиликда курсантлар аудиторияда ўрганган билимларини амалиётда синаб кўради, амалиётда учраган ҳолатлар эса унинг назарий билимларини янада чуқурлаштиради. Натижада таълим ва хизмат амалиёти бир-бирини тўлдирувчи ягона тизимга айланади. Қувонарлиси, эндиликда ўқув жараёнига амалиётчилар қамраб олинади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, жумладан, психологик ёндашув соҳаларида амалий тажриба ҳамда профессионал маҳоратга эга маҳаллий ва хорижий мутахассислар университетга бир йиллик шартнома асосида жалб қилинади.

Юқоридаги қарорда кўзда тутилган муҳим масалалардан яна бири таълим сифатини халқаро тажриба билан бойитиш мақсадида ҳар йили камида 30 нафар профессор-ўқитувчи, илмий ходим, докторант ва магистрларни ҳамкор хорижий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини жорий этишдан иборат. Бу университет илмий-педагогик салоҳиятини замонавий халқаро тажриба билан бойитиш, янги таълим услубиётларини ўзлаштириш ва уларни маҳаллий таълим жараёнига татбиқ қилиш имконини кенгайтиради.

Таъкидлаш жоизки, университетда ҳозирги вақтда халқаро ҳамкорлик доирасида 27 та ҳужжат имзоланган бўлиб, хусусан, Россия, Хитой, Франция, Беларусь, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг олий ҳарбий таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатилган.

Замонавий кадрнинг яна бир муҳим компетенцияси — хорижий тилларни билиш. Шу боис университетда курсант ҳамда тингловчиларга иккита хорижий тилни “1+1” дастури асосида чуқур ўргатиш тизимининг йўлга қўйилиши муҳим қадам бўлади. Бунда тилларнинг бири университет томонидан белгиланса, иккинчиси таълим олувчининг танлови асосида ўқитилади. Миллий ва халқаро сертификат олиш учун имтиҳон харажатлари университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши эса тил ўрганишни рағбатлантиришнинг амалий механизмини яратади.

Таълим сифатини ошириш профессор-ўқитувчиларнинг касбий ҳамда педагогик салоҳиятини доимий равишда ривожлантиришда яққол кўринади. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар алмашинуви асосида ҳар йили 100 академик соатдан иборат маҳорат дарсларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундай ҳамкорлик турли таълим муассасаларида шаклланган илғор тажрибаларни ўзаро оммалаштириш, янги педагогик ёндашувларни қўллаш ва таълим жараёнида соғлом рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилади.

Университетнинг 2030 йилгача илмий-педагогик жараёнини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаб олиши эса мазкур янгиланишларни ягона стратегик мақсад атрофида бирлаштиради. Зеро, таълим сифатини ошириш бир марталик тадбир эмас, балки аниқ мақсад, ўлчанадиган натижа ва мунтазам мониторингни талаб қиладиган узлуксиз жараёндир.

Рақамли технологиялар: симулятордан «E-reyting»гача

Жамоат хавфсизлиги бўйича замонавий вазифаларни рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис таълим муассасамизда ўқув жараёнини рақамлаштириш фақат электрон шаклга ўтиш эмас, балки курсант ва тингловчиларни реал хизмат вазифаларига замонавий технологиялар асосида тайёрлашни назарда тутмоқда.

Шу мақсадда ўқув дастурларимизга жамоат хавфсизлиги йўналишида тобора муҳим аҳамият касб этаётган “Хавф-хатар таҳлили”, “Профайлинг”, “OSINT ва рақамли таҳлил”, “Жамоат хавфсизлигини таъминлашда геоинформацион тизимлардан фойдаланиш”, “Учувчисиз учиш қурилмалари ва робототехника мажмуаларидан фойдаланиш” каби янги фанлар киритилмоқда. Энг муҳими, курсант ҳамда тингловчилар сунъий интеллект технологиялари, махсус дастурий таъминотлар ва дронлардан фойдаланишни фақат назарий жиҳатдан эмас, амалий машғулотлар орқали ҳам ўрганади. Бу эса замонавий технологияларни билишдан уларни жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларида қўллай олишга ўтишни англатади.

Таълим дастурларининг Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти, миллий ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари иштирокида ишлаб чиқилиши эса ўқув мазмунини амалиёт ҳамда халқаро тажриба билан уйғунлаштириш имконини беради.

Дарвоқе, рақамлаштириш жараёни фақат дарс бериш билан чекланмай, таълим натижаларини баҳолаш тизимига ҳам кириб боради. Университетда жорий этиладиган “E-reyting” платформаси профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчилар фаолиятини комплекс мезонлар асосида баҳолаш имконини беради. Унда рейтинг натижалари онлайн “dashboard” шаклида акс эттирилиб, таълим жараёни иштирокчиларининг натижаларини мунтазам кузатиш ҳамда таҳлил қилиш имконияти яратилади. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг инновацион методик ёндашувлари ва машғулотлар самарадорлиги, курсант ҳамда тингловчиларнинг академик кўрсаткичлари, жисмоний тайёргарлиги, илмий-ижодий ва ижтимоий фаоллиги комплекс равишда инобатга олинади.

Бу механизм таълим жараёнини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш баробарида улардан фойдаланиш натижасини ҳам ўлчаш имконини беради.

Бугун олдимизда турган устувор вазифалар жуда кўп. Энди янги йўналишларни шунчаки ўзлаштириш эмас, балки мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли таъминлай оладиган, замонавий билим, юксак масъулият ҳамда Ватанга садоқатни ўзида мужассам этган янги авлод кадрларини тарбиялашга жиддий эътибор қаратамиз. Зеро, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш — бугунги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдан кўра кенгроқ тушунча: у ҳар бир қарорни масъулият билан ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир имкониятдан юрт тинчлиги ҳамда халқ осойишталиги йўлида самарали фойдаланишни талаб қилади.

Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Соҳилбўйи обод масканга айланади

“Дўстлик” каналининг Гулистон шаҳридаги 3,4 километрлик ўзанини бетонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида сувнинг ерга сизиши камаяди, шаҳар ҳудудининг мелиоратив ҳолати янада яхшиланади, каналнинг сув ўтказувчанлик даражаси ортади ва албатта, соҳилбўйи кўркам қиёфага киради.





Хусусан, 5,62 километр асфальт йўл ва 1,02 километрлик пиёдалар йўлаги барпо этилади. Ҳимоя панжаралари ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилади. Каналбўйи обод масканга ва аҳоли учун қулай дам олиш ҳудудига айланади.

— Бундан бир неча йил аввал каналнинг шаҳардан ўтган бир қисми бетонлаштирилгандан сўнг узоқ йиллар ташландиқ ҳолатда қолган соҳилбўйи таниб бўлмас даражада обод бўлди, — дейди Гулистон сув иншоотлари ва “Дўстлик” канали бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдукарим Азимов. — Бу ерда бир неча муҳташам бинолар, сўлим хиёбонлар, юриш-югуриш йўлакларига бошқа дам олиш ҳамда спорт масканлари барпо этилди. Энди каналнинг бетон қопланаётган қисмидаги соҳилларида ҳам тез орада ана шундай гўзал ҳудуд пайдо бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Дўстлик” канали Сирдарё ҳавзасида 100 йилдан ошиқроқ вақтдан буён барқарор ишлаб келяпти. У Ўзбекистон ҳудуди орқали Қозоғистонга оқиб ўтувчи йирик трансчегаравий магистраль канал ҳисобланади. Халқаро ирригация ва дренаж комиссияси томонидан 2025 йилда Ўзбекистондаги икки канал — “Эски Туятортар” ва “Дўстлик” каналлари “Халқаро ирригация мероси” деб эътироф этилган эди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Узумзорда қуёш панеллари

Фарғона вилоятида узумчилик тармоғи ҳудуднинг аграр салоҳиятини намоён этувчи муҳим йўналишлардан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Қува туманидаги “AOK Garden” масъулияти чекланган жамияти узумзорларида замонавий ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланилаётгани ҳам бунинг яққол мисолидир.



Ушбу хўжаликнинг умумий 110 гектар майдонидан 50 гектарида 10 мингта қуёш панели ўрнатилган. Мазкур тизим орқали 5 МВт қувватда муқобил энергия ишлаб чиқарилмоқда.

— Қуёш панеллари нафақат электр энергияси билан таъминлайди, балки узумзор учун соя вазифасини ҳам бажаради, — дейди лаборатория мудири Сардорбек Тоиров. — Бунинг натижасида узум кўчатлари атрофидаги намлик сақланиб, сув сарфи тежалмоқда. Айни пайтда узумзорда ўсимликлар учун қулай микроиқлим шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, Қувада бугунги кунда 6,5 минг гектар мевали боғлар мавжуд бўлиб, шундан 1,2 минг гектарини интенсив боғлар ташкил этади. Туманда етиштирилаётган маҳсулотлар 38 та корхона орқали дунёнинг 15 га яқин мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЧУСТ ПИЧОҒИ — МИЛЛИЙ БРЕНД

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Чуст пичоғи” географик кўрсаткич сифатида 2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг у географик бренд даражасида эътироф этила бошлади. Энди Чуст номи ҳудудий манзилни англатибгина қолмай, муайян маданий маҳсулот билан боғлиқ тушунчага айланди.

Ҳунармандчилик

— Бу эътироф ҳудудда туристик жозибадорликни кучайтириш учун катта имконият ва рағбатдир, — дейди Чуст тумани ҳунармандлар уюшмаси раиси Акмалхон Каримов. — Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз томонидан халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, келгуси авлодларга асл ҳолича етказишга қаратилаётган катта эътибор туфайли пичоқчилик қайта тикланди.

Бунинг амалий ифодаси сифатида Чуст туманида 17 гектарга яқин майдонда барпо этилган Ҳунармандлар шаҳарчасини кўрсатиш мумкин. 30 дан зиёд пичоқчи усталарнинг 10 нафарига ушбу шаҳарчадан жой ажратилди. Бу ерда мукаммал лойиҳа асосида устахона, кўргазма ва савдо заллари, ўқув устахоналари қурилиши якунланиш арафасида.

— Мен тарихи 200 йил муқаддам бошланган пичоқчи-ҳунармандлар сулоласининг еттинчи авлодиман, — дейди Чуст ҳунармандчилигининг таниқли намояндаларидан бири, “Дўстлик” ордени соҳиби Раҳимжон Убайдуллаев. — Ҳозир ўғилларим, невараларим тимсолида саккизинчи ва тўққизинчи авлод ҳам изимиздан боряпти. Бундан ташқари, “Устоз — шогирд” мактабимизда 30 дан зиёд ёшларга аждодларимиздан ўтиб келаётган пичоқчилик санъати сирлари ўргатилмоқда. Бугун ҳам ота-боболаримиз яратиб кетган мактаб — қўл меҳнати билан пичоқ ясаб келяпмиз ва биз бундан моддий манфаатдорлик билан бир қаторда маънавий қувват оламиз. Ҳозир “Ёрма”, “Суқма”, “Толбарги”, “Ҳалқали”, “Каллали” пичоқлар бозори чаққон.



Чуст пичоқлари — оилавий даромад манбаи, туризм маҳсулоти, ҳудудий бренд, экспорт салоҳиятига эга маҳсулот. Қолаверса, мамлакатимизда мазкур соҳага катта эътибор қаратилаётгани боис бу ҳунармандчилик тури ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан тобора ривожланиб бормоқда.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Буюк аллома, давлат ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» асари Францияда нашр этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.39 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6